



ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚЎРМОҚДАМИЗ

Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари

(3-4 саҳифаларда).



Ўзбекистон Республикаси
ижтимоий-иқтисодий
газетаси

Dehqon elkasiga dunyo tayanar ҚИШЛОҚ ХАЁТИ

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 5 февраль. ЖУМА, № 6 (5.962). Сотувда эркин нархда

КУН ТАРТИБИДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳайъатининг куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги кенгайтирилган мажлисида пахта уруғчилигини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, суғориш ва мелiorация тармоқларини мавсумга тайёрлаш, ўсимликлар карантини хизматига доир долзарб муаммолар, ижрочилик интизомини кучайтириш ва бугунги куннинг бошқа гўят муҳим масалалари атрофида кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Ҳайъат мажлисини қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири Ислам Бобоқонов бошқариб, тармоқ ходимлари зиммасидаги долзарб вазифаларга алоҳида тўхталди.

Мушаккил мамлакатимизда иқтисодиётнинг асосини ташкил этувчи оқ олтин етиштириш ва уни қайта ишлашни ўз ичига олувчи «Пахта» лойиҳаси мажмуасини амалга ошириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1996 йили қабул қилинган 421-қарорга асосан республика ҳукумати ва Жаҳон банки уртасида тузилган битимга мувофиқ «Ўздавруғназоратмарказ»нинг уруғчилик сертификатциялаш ва сифатини назорат қилиш марказий лабораторияси таъмирланиб, замонавий компьютерлар, бошқа зарур ускуналар билан жиҳозланди. Юқоридаги қарорга мувофиқ мамлакатимизда вужудга келтирилиши зарур бўлган бешта минтақавий лабораториялар ишини йўлга қўйиш борасида ҳам бирмунча тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Наманган ва Фарғона

вилоятларидаги лабораториялар учун бинолар ажратилиб, улар таъмирланиб, ишга туширилди. Хорижий маслаҳатчилар иштирокида уруғлик тест синовларини ўтказиш халқаро уюшмаси талабларига жавоб берадиган сертификатциялаш қўлланмаси тайёрланиб, тегишли ташкилотларга етказиб берилди. Уруғлик чигитнинг юксак талаблар даражасида бўлишини таъминлаш, ана шу муҳим ишнинг ихтисослашган ҳужаликларда амалга оширилишини йўлга қўйиш борасида ҳам бир қатор силжишларга эришилди. Бухоро, Наманган, Фарғона, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида уруғчилик корпорациялари ташкил этилиб, уларнинг таркибига 22 та ихтисослашган ҳужаликлар киритилди. Бу ҳужаликларда 1998 йили 64 минг тоннадан зиёд ҳом ашё, шу жумладан, қарийб 20 минг тонна уруғлик пахта тайёрланди. Улар асосан «Бухоро-6», «Фарғона-3», «С-6524», «Оққўрғон», «Наманган-77» се-

лекцион навлардан иборатдир. Ҳозирги пайтда бу уруғликларни қўламга экиш мавсумига тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилляпти. Вазирлик ҳайъати кенгайтирилган мажлисида ана шу долзарб масала юзасидан ахборот берган «Ўздавруғназоратмарказ» раҳбари Ш. Қўзибоев бир қатор натижаларга эришилган бўлса-да, иш қўтилган даражада бормайтганини, айрим вилоятларда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганини эътироф этди. Жумладан, уруғликни сертификатциялаш ва сифатини назорат қилиш минтақавий лабораториялар учун Бухоро, Сурхондарё вилоятларида бино ажратиш масаласи пайсалга солиб келинди. Шу масала ўз вақтида ҳал этилмаганлиги сабабли 1998 йил июль ойида сотиб олинган замонавий техника воситаларидан фойдаланишнинг имконияти бўлмади. Уруғчилик ихтисослашган ҳужаликлар фаолиятини бугунги кун талаблари даражасига кўтариш, кўзда тутилган муддатда яхши самардорликка эришиш учун юқорида таъкидланган қарорга мувофиқ Халқаро тикланш ва тараққиёт банкидан катта миқдорда маблағ ажратиши кўрсатиб ўтилган эди. Орадан икки йилдан кўп вақт ўтган бўлишига қарамай ана шу имкониятдан етарлича фойдаланилмади. Бу борада «Сурхон чигит» корпорациясида бирмунча силжишга эришилди. Бу корпорациянинг бизнес-режаси хал-

қаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ва бошқа ҳужжатлари такомилга етказилганлиги туфайли 3,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi сармоянинг ажратилишига рухсат берилди. Афғуски, Фарғона, Наманган, Бухоро, Тошкент вилоятларида бу иш ниҳоясига етказилмаганлиги сабабли маблағ ажратиш масаласи ечилгани йўқ. Бу вилоятларда бизнес-режа жаҳон андозалари даражасида тайёрланмаганлиги ва уни мукамаллаштириш чўзиб юборилганлиги, шунингдек, хорижий сармоядорлар билан қўшма корхоналар тузиш пайсалга солинганлиги оқибатида кредит ажратиш масаласи чўзилиб кетмоқда. Булардан ташқари уруғчилик ҳужаликларини ривожлантиришга тааллуқли, республика миқдоридаги тегишли бир қатор масалалар ҳам ўз вақтида ҳал этилмай келинапти. Қишлоқ ҳўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш кўп жиҳатдан суғориш ва мелiorация тармоқларининг ҳолатига, улар белгиланган муддатларда таъмирланиб, тозаланиб туришига боғлиқ. Суғориш шохобчалари кўнгилдагидек бўлса, даладари оби ҳаётга қондириш сифати амалга оширилиб, унинг сарфи, беҳуда исроф бўлиши

(Давоми 2-бетда)

Барча жабҳада қўлам тараддуди



Техника деҳқон қаноти. Уни авайлаб-аслаш бугунги куннинг долзарб иши. Қўйи Чирчиқ туманидаги «Гулистон» жамоа ҳўжалиги механизаторлари таъмирлаш юмушларини сифатли бажаришляпти. Ҳозирги кунда мавжуд техниканинг саксон фоизи тахт қилиб қўйил-



ди. Механизаторлар меҳнати вақти-вақти билан тақдирланиб бориляпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Ҳўжалик раиси муовини Ҳабибулла Ҳусанов чилангар Виктор Цой билан техникани назардан ўтказмоқда. 2. Таъмирланган сеялкалар мавсумга шай.

Даврон АҲМАД олган суратлар

РАҲБАРЛАР ЎҚУВИ

Ҳозирги кунда ҳар бир раҳбар қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг тўб мазмун-моҳияти ва йўналишини пухта ўрганиши ва ўз фаолиятида уларни қўллаша билиши лозим. Сурхондарё вилоятида ўтказилаётган ҳўжаликлар бошқаруви раислари, фаолияти қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ туман ва вилоят ташкилотлари раҳбарларининг ўн кўнлик ўқуви ана шу масалага қаратилган. Айни вақтда машғулотларда бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув тизимини такомиллаштириш, пайчилик асосларида ширкат ҳўжаликларини ташкил этиш, оила пудратини жорий қилиш, деҳқонлар моддий манфаъдорлигини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор бериляпти.

Чоря ТўХТАЕВ, ЎЗА мухбири

ТАРИХИМИЗ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Республикаимиз Президентининг ўтган йил Ёзда тарихий олимлар билан бўлган суҳбати ва шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институтини фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қарори мамлакатимиз тарихий олимлари зиммасига масъулиятли вазифалар юкляди.

Давлатимиз раҳбари ана шу суҳбат чоғида эндиликда тарихимизни адолат билан тиклашимиз ва уни қўрсата билишимиз кераклигини ўқтирган, тарихдаги ўрнимизни ўрганиб, асл объектив тарихимизни яратишга даъват этган эди. Бу эса давлатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашда, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда гўят катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбек халқи тарихи ва унинг давлатчилик сўбасини мукаммал ўрганиш учун эса дастлаб унинг концепциясини ишлаб чиқиш зарур эди. Шу-боис бу ишга республикаимизнинг кўзга қўрилган тарихчи олимлари жалб этилди. Улар орасида Бўрибой Аҳмедов, Уткир Исмолов, Мирсодиқ Исҳоқов, Бахриддин Маннонов каби етук тарихчилар бор эди. Уларнинг ҳамкорлиги натижасида концепциянинг бир неча вариантлари ҳамда мўқобил вариантлари ишлаб чиқилди.

Фанлар академиясида ана шу асосда ягона концепция ишлаб чиқишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари академия президенти Тўхтамурод Жураев бошчилигида тайёрланган концепция вариантларини муҳокама қилди. Энди бу концепция лойиҳаси «Ўзбекистон тарихи» журналида эълон қилиниб, жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинади. Унинг умумлаштирувчи муҳокамаси Фанлар академияси қошида ташкил этилган академик Яхё Ғуломов номидagi ўтимишимиз ва тарихимизни ўрганувчи республика семинарида қўриб чиқилди. Ўзил-кесил ҳал қилиниб, тасдиқлангандан сўнг унинг асосида ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихини аниқ белгилаб берувчи дастур яратишга киришилади.

Б.МАНСУРОВ, ЎЗА мухбири

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги тармоғи олдида ўта муҳим, асло кечиктириб бўлмайдиган, бир қатор долзарб вазифалар тизимини турибди. Пахтачилик ҳамда шолчиликдаги қолоқликдан қутулиш, бугунги етиштиришда тўб бўрилишга эришиш билан биргаликда ўғай соҳага айланган қорва чорвачиликдаги ташвишли вазиятни зудлик билан ўнглаб олиш керак. Озуқа етиштириш учун қўлай бўлган, шу мақсадга ажратилган юз минг гектардан кўпроқ ҳайдаладиган ери, бир неча юз минг гектар яйловлари, қамишзор қўллари мавжуд республикада камми билан 150 минг бош қорамол, кўп миқдорда қўй-эчки, йилқи ва туя боқиш имконияти бор. Минг афғуски, республика чорвадорлари мазкур имкониятнинг атиги учдан бир қисмидан фойдаланмоқдалар, холос.

Очилишни айтиш керакки, Қорақалпоғистонда чорвачилик йиллар давомида оқсаб, қолоқ тармоққа айланиб, эътибордан четда қўлиб келди. Фикримизни исботлаш учун Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши таҳлил этган кўрсаткичларга мурожаат этайлик.

Қорақалпоғистоннинг жамоат чорвачилигида бир неча йиллар илгари 130 минг бошдан зиёд қорамол бор эди. 1999 йилнинг 1 январига келиб бу кўрсаткич атиги 76762 бошга тушиб қолди. Биргина 1998 йил мобайнида қорамоллар бош сони 8145 бошга камайди. Илгари республика ҳўжаликлариди 30 минг бошдан ортиқ сигир бўлган бўлса, 1999 йилнинг 1 январига келиб бу кўрсаткич 12041 бошга камайиб кетди. Энг ачинарлиси шундаки, кейинги йиллар давомида камайган сигирнинг 4154 боши айнан 1998 йилга тўғри келди.

Эллиққалъа ва Нукус туманларидан бошқа туманлар қорамоллар бош сони сезиларли равишда камайитириб юбордилар. Бу борада ҳеч қандай баҳона, ваз-қарсон билан оқлаб бўлмайдиган ҳолатларга йўл қўйилмоқда. Ақс ҳолда ўтган йил давомида Амударё туманида қорамоллар бош сонининг 1299 бошга, Бўзатов туманида эса 4441 бошга камайиб кетганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?!

Бир пайтлари Қорақалпоғистон чорвадорлари сут етиштириш борасида ўзига хос мактаб яратилган, катта тажриба тўплашган, поданинг сифат таркибини яхшилашган эди. Ҳақиқий аҳвол уша мисқоллаб тўпланган тажрибанинг ботмонлар тарзида йўқотилганидан дарах бермоқда. Бу фикр билан биз Қорақалпоғистон бўйича ҳар соғин сигирдан 1997 йили 1089, 1998 йилда эса 1015 килограмм сут соғиб олинганини назарда тутмоқдамиз. Бу кўрсаткич Тўртқўлда 991, Тахтақўпирда 972, Қўнгиротда 961, Чимбойда 918, Амударёда 893, Берунийда 853, Қанглиқўлда 706 килограмм ташкил этди, холос. Бу ачинарли кўрсаткичлар 1998 йилда Кегайли тумани

олинди. Бу кўрсаткич Шумонойда 38, Бўзатовда 35, Тўртқўлда 34, Чимбойда 33, Тахтақўпирда 30, Мўйноқда 28, Амударёда 25 бошни ташкил этди. Кегайли тумани чорвадорлари бу масалада ҳам наинки Қорақалпоғистон, балки бутун мамлакатимизда энг орқада эканликларини таъкидлаш зарур. Бу ерда 1998 йил мобайнида ҳар юз бош сигирдан атиги 18 бош бузоқ олинди. Бошқачасига айтганда ҳар юз бошдан 82 бош сигир қисир қолди. Бунини фақат бепарволик, ношудликка йўйиш керак эмас, балки жиддий сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

Қорақалпоғистонлик чорвадорларнинг аксарияти гўшт етиштириш борасидаги топшириқларни сурункасига бажаролмай

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЧОРВА НЕГА НОЧОР?

ни чорвадорлари кўрсатган «рекорд» олдида ҳолва ҳисобланади. Чунки кегайлиликлар ўтган йили ҳар бош соғин сигирдан 326 килограмм сут соғиб олишди. Маълумки, ривожланган чет мамлакатларда энг илгор ҳўжаликларда сут-қасига 30-40 килограмм сут берадиган сигирлар бор. Улардан атиги ўн кўн, бир ҳафта ичида соғиб олинадиган сут учун Кегайли тумани чорвадорлари бир йил вақт сарфламоқдалар. Бундай нуноқликнинг таҳлил қилиб ўтиришнинг ўзи ортиқчадир!

Юқорида чорванинг бош сони йил сайин камайиб бораётганини қайта таъкидладик. Бунинг бош сабаби шундаки, қорамолларни сўний қочиршишлари йиллар давомида ўлда-жўлда бўлиб кетган. Фақат Эллиққалъа тумани бу йўналишда изчил тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Ўтган йили бу туманда ҳар юз бош молдан 72 бош бузоқ

доғда қолмоқдалар. Айниқса, чорвачилик билан шуғулланаётган фермерлар бу борада катта иш қилишлари лозим эди. Аммо улар 1998 йилда гўшт етиштириш 1997 йилнинг 76,8 фоизи даражасида уудладилар. Бу кўрсаткич Бўзатовда 67,3, Қўнгиротда 58,6, Шумонойда 48,3, Амударёда 47, Қанглиқўлда 43,9, Тўртқўлда 39,5 фоизга аранг етди. Агар ҳўжаликларни оладиган бўлсак, мазкур кўрсаткич Амударёда 64,3, Қўнгиротда 63,1, Қанглиқўлда 62,4, Чимбойда 60,4, Тахтақўпирда 56, Шумонойда 43,8 фоиз бўлди. Кегайли тумани чорвадорлари бу борада ҳам орқада қолишди: кўрсаткичини аранг 29,1 фоизга етказдилар.

Давлатга гўшт сотиш борасидаги энг ачинарли ҳолат шунда бўлмоқдаки, ўтган йили Қорақалпоғистонда гўштга топширилган молларнинг уртача тирик вазни 217 килограммни ташкил этди. Лекин бу кўрсаткич уртача 300 килограммга етқа-

Тармоқ таҳлил этилганда

зилганида тахминан 2000 бош мол фойдага қолар эди. Юқоридаги кўрсаткич Ҳўжайида 190, Қўнгиротда 179, Тўртқўл ва Шумонойда 175, Берунийда 172, Бўзатовда 153 килограммни ташкил этди.

Қорақалпоғистонда қўйчиликни ривожлантириш имкониятлари кенг. Шунга қарамасдан 1998 йилда 1997 йилга нисбатан 401 тонна қўй гўшти, 2253 дона қоракўл тери, 17 тонна жун кам етиштирилди. Қўй-эчкилар бош сони 19086 бошга камайди.

Хулоса қилиб айтганда, республика чорвадорлари ўтган йилни кўнгилдагидек якунлай олмадилар. Шунга қарамасдан чорвадорлар 1999 йил январь ойида ҳам аҳволни ўнглаш сари дадил одим ташлай олмадилар. Бир вақтлари қунига 20 тонна сут соғишга эришилган Амударё туманида бу кўрсаткич 4-4,5, Тўртқўл туманида 3,5 тоннани ташкил этмоқда. Бузоқ олиш борасидаги қолоқликка ҳамон оқ қўйилмаяпти. Мисол учун январь ойи давомида Кегайли тумани чорвадорлари атиги олти бош бузоқ олдилар. Шу ва бошқа қатор кўрсаткичлар Кегайли туманида (ҳўқимнинг қишлоқ ҳўжалиги масалалари бўйича биринчи муовини Рустам Шукруллаев) чорвачилик ҳамон ўғай соҳа бўлиб келаётганини кўрсатади. Бошқа бир қатор туманлар тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Улар Қорақалпоғистон раҳбарияти белгиланган кенг қўламдаги тадбирларни ўз вақтида амалга оширишлари керак.

Биз Аёллар йилига қадам қўйдик. Бу кўтлуг йилда дастурхонимизда сержаймоқ сут, бошқа сара маҳсулотлар мул-қул бўлиши зарур. Бу мақсадга эришиш учун чорвадорлар ўз ишларини тўбдан яхшилашлари, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишлари, озуқа базасини янада мустаҳкамлашнинг чораларини қўришлари, тармоқнинг барча бўғинларида қатъий интизом, зооветеринария тартибини ўрнатишлари талаб этиляди.

Я.ҚҶЧОРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

КУН ТАРТИБИДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

(Боши 1-бетда)

сезиларли даражада камаяди. Чик зовурлар, ёпи дренажлар ва бошқа тармоқлар уз вақтида толзаб турилса, уларнинг чуқурлиги белгиланган даражада бўлса, шур сувларнинг ер остидан чиқариб юборилиши тезлашади. Бу эса экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, мул ҳосил олишга имконият тугдиради. Афсуски, республикамизнинг Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларида, Қорақалпоғистонда сугориш шохобчалари ҳамда ҳужалик ички зовур тармоқларини тозалашга етарлича эътибор берилмапти. Хусусан, Жиззах вилоятида мавжуд бўлган 2425 километр ҳужалик ички зовурларидан ҳар йили 808 километрини тозалаш, тартибга келтириш белгиланган. Утган йили атиги 188 километр зовур тозаланган. Сирдарё вилоятида бу курсатки 1635 километр урнига 856, Қашқадарё вилоятида эса 1544 километр урнига 254 километрни ташкил этган, ҳолос. Мелиорация тармоқлари яхши ишлама-

ганлиги, тузли сувлар пайкаллардан чиқариб юборилмаганлиги сабабли пайкалларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, бу ҳосилдорликка салбий таъсир этган.

Хуш, мамлакатимиз минтақаларида бу йилги мавсумга тайёргарлик куриш, сугориш ҳамда мелиорация шохобчаларини ҳозирлаш ишлари қандай борапти? Бу борада Бухоро вилоятида амалга оширилган ибратли ишларни алоҳида таъкидлаб утиш зарур. Ана шу муҳим ишга ҳужаликлар, мелиорация ташкилотлари, техника воситалари мавжуд бўлган бошқа идоралар билан бир қаторда фермерлар, деҳқон ҳужалигиде ноз-неъмат етиштирувчи миришкорларнинг барчаси бир викадан бош чиқариб киришганлар. Масала шундай тарзда қўйилганлигига пировард натижадан келиб чиқадиган хулоса омил бўлган десак янглишмаймиз. Чунки ҳужаликнинг асосий экин майдонларидан шур сувларни тортиб оладиган зовурлар яхшилаб тозаланмаса, сугориш тармоқлари равои бўлмаса, унга туташ бўлган фермер ёки деҳқон ҳужалиги даласида ҳам, усимликлар, дов-дарахтлар парвариш қилинаётган хонадон-

ларда ҳам шур ер юзасига кутарилиб, барча зироатларга зиён-заҳмат етказиши. Буни чуқур ҳис этган бухорликлар сугориш ва мелиорация шохобчаларини тозалаш, тартибга келтиришда фаол қатнашмоқдалар.

Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё ва Қорақалпоғистон Республикаси сингари экин майдонларининг мелиоратив ҳолати ёмон бўлган минтақаларда эса аҳвол ташвишли. Хусусан, Қашқадарё вилоятида 1998-1999 йиллар куз-қуш даврида 170 километр узунлиқдаги ҳужалик ички зовурларини тозалаш белгиланган эди. Ҳозиргача бу топширик аранг 60 фоиздан ошди. Жиззах вилоятида бу йилги режадаги 160 километр ҳужалик ички зовурларини тозалаш белгиланган бўлса, ҳозиргача унинг фақатгина ярмида ишлар адо этилди.

Сугориш ва ҳужалик ички мелиорация тармоқларининг ҳолати буйича ахборот берган Қишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлиги бошқарма бошлиги А. Ибрайимов, шу масала юзасидан ҳайят аъзоларининг саволларига жавоб қайтарган Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари сув ҳу-

жалиги идоралари мутасадди раҳбарлари аҳволни унглаш учун қандай чора-тадбирлар курилатганлиги ҳақида фикр юритдилар. Долзарб масала муҳокамасида ҳужаликлар ва бошқа ташкилотлар ихтиёрида мавжуд бўлган экскаваторлардан самарали фойдаланилмаётганлиги, механизаторларга кечаю кундуз ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаганлиги уқтириб утилди. Ана шу камчиликларни бартараф этиш юзасидан белгиланган шохобчалар тadbирлар ҳайят қарорига киритилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида усимликлар қарантини билан боғлиқ белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш мустақиллиги тобора муштамлаб бораётган юртимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Республика усимликлар қарантини Бош давлат инспекцияси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар инспекцияси мутахассислари зиммасига қишлоқ ҳужалигимизга зиён етказиши мумкин бўлган ҳафли қарантин зараркундалари, касалликлар ва ута заҳарли бегона утларнинг уруғ-

лари чет давлатлардан келиб қолишининг, ҳозирги пайтда тегишли руйхатда қайд этилган зараркундаларнинг тарқалиши олдини олиш ва шу каби муҳим вазифалар юклатилган. Кейинги йилларда экспорт ва импорт молларининг қаттагина қисми автотранспорт воситалари билан мамлакат сарҳадларидан олиб қирилатганлиги ҳисобга олиниб, усимликлар қарантини чегара пунктлари илгариги бештадан 26 тага етказилди. Ана шу далиллар ҳайят мажлисида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси усимликлар қарантини Бош давлат инспекцияси раҳбари М. Жумановнинг ахборотида келтирилди.

Ҳақиқатан ҳам усимликлар қарантини узро иқтисодий алоқалар тобора кенг тус олаётган ҳозирги пайтда гоёт жиддий аҳамият касб этмоқда. Қарантин хизмати ходимлари хориждан турли зараркундаларнинг кириб қолишига йул қўймасликлари ҳамда мамлакатимизда мавжуд бўлган зараркундаларнинг тарқалишига қарши қатъий курашишлари талаб этилади.

Уларнинг уз вазифалари-га масъулият билан ёндошганликлари туфайли утган йили Самарқанд вилоятига ҳамда Тошкент шаҳрига келтирилган дон маҳсулотларида 4 ҳолли донхур, пахта селекцияси илмий текшириш институтига Грециядан келтирилган пахта чигитида эса республика-мизда ҳозиргача бўлмаган пахта куяси борлиги аниқланди ва уз вақтида зарур чоралар курилди. Бундан ташқари Самарқанд, Фаргона вилоятлари хориждан келтирилган дон маҳсулотлари ичида қарантин руйхатида бўлган зарарчак, қарра сингари бегона утларнинг уруғлари борлиги маълум бўлди. Ана шу ҳолатлар буйича ҳам белгиланган тартибда чоралар курилди.

Қарантин хизматини янада такомиллаштириш, бу борадаги ишларни ҳужалик мутахассисларига, аҳолига етказиш, тартиб-ташвиқ этиш юзасидан қимматли тақлиф-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, кенгайтирилган ҳайят мажлисида ижрочилик интизомини кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланиб, улар қабул қилинган қарорда уз ифодасини топди.

С. САЙДАЛИЕВ.

Хотира — муқаддас, қадрлаш — инсонийлик САВОБИ АЗИМ

Инсон кунлини топишнинг аҳамияти ҳам, сабоби ҳам катта. Кейинги пайтда мустақил мамлакатимизда бу борада ажойиб ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса Президентимизнинг 9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш, Номаълум солдат қабрини Хотира майдони деб номлаш тугрисидаги тақлифлари халқимизнинг кунлидаги гап бўлди.

Йиллар утаверади, замонлар утаверади, барча нараса узгариши мумкин. Лекин халқнинг урф-ода-ти, расм-русми, табиати узгармайди. Боиси, миллатимиз табиятида инсонга ҳурмат, кексаларга эътибор, меҳнатсевар ажойиб хислатли кишиларни қадрлаш, утганларни хотирлаш азал-азалдан мавжуд.

Хужалигимизнинг аъзолари йулбошчимизнинг тақлифини эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлишди. Биз мазкур масалага бағишлаб йилгилиш ҳам ўтказдик. Жамоамизда ҳам эслашга лойиқ одамлар, айни пайтда ҳурматга сазовор бўлган, қадрлашга арзийдиган ажойиб кишилар кўп.

Фарҳод МУТАЛИПОВ,
Самарқанд туманидаги Фотима Қосимова номи
жамоа ҳужалиги етакчиси.

МЕМОРИАЛ ТАЪМИРЛАНАЯПТИ

Мамлакат Президентининг 9 майни Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаш тугрисидаги тақлифини қизгин қўллаб-қувватлаган термизликлар шаҳар марказидаги ёдгорлик ҳиёбонини қайта таъмирлашга киришдилар.

Лойиҳага кура ёдгорликка «Хотира ва қадрлаш» ҳиёбони номи берилди. Сурхондарёлик жангчилар хотирасига гранитдан урнатилган мемориал ёдгорликдаги собиқ иттифоқ тимсоллари акс эттирилган лавҳалар урнига мустақил Ўзбекистон давлати раишлари урнатилади. Ёдгорлик марказида мотамсара она сиймоси ҳам акс эттирилади.

Айни вақтда урушда ҳалок бўлган жангчилар номи битилган тош тахтачалар тартибга келтирилди. Ёдгорлик деворларининг иккинчи томонида фронт ортида меҳнат қилган юртдошлар номи битилган лавҳалар қўйилди. «Хотира ва қадрлаш» майдонига фавворалар урнатилади, унинг атрофи гулларга бурканади.

(ЎЗА).

Бугунги кун нафаси

УРУГЛИК САРА БЎЛСА

Ўзбек пахтаси, унинг жаҳон миқёсида тутган ўрни ҳақида кўп ва ҳў гапириш мумкин. Тарихий манбаларда шундай сатрлар бор: бундан бир неча юз йил аввал ҳам юртимизда етиштирилган пахта толаси жаҳонда бебаҳо бойлик сифатида қадрланган. Айтишларича, ўша даврдаги давлатлардан бирининг шох тарозининг бир палласини тиллога, бир палласини эса юртимизнинг пахтасига қиёслагани ҳам беҳиз бўлмаган.

Пахтачилик — мустақил республикамиз иқтисодиётини муштаҳкамлашда асосий уринлардан бирида туради. Толаси кийим, чигити мой, қўйингки, ундан олиннадиган барча тансиқ неъматларсиз кундалик турмушимизни тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса кейинги йилларда соҳани юксалтириш борасида ҳукуматимиз томонидан улкан саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Мустақиллик шарофати ила соҳа жонқуярларига бир қатор имтиёзлар, шарт-шароитлар яратилди. Энг муҳими, бугун деҳқон ер ҳиссини туйиб, унинг ҳадисини олган.

Жиззах вилояти республикамизда пахта етиштиришда уз ўрнига эга эди. Бу ерда тажрибаларга таяниб, соҳадан ўзига хос мактаб яратган ҳужаликлар, деҳқон ва миришкорлар кўп. Шундай бўлса-да, негандир кейинги йилларда пахтачиликда белгиланган режа ва топшириқлар аро йўлда қолиб келаяпти. Хуш, бунинг сабаблари нимада?

Эндиликда аҳвол чуқур таҳлил этилиб, уруғлик танлашга эътибор кучайтирилмаган бўлди. Шу кунларда вилоят элита уруғлик чигит ишлаб чиқариш корхонасида бу борадаги ишлар қизгин бошлаб юборилган. Унинг таркибидаги 12 та уруғчиликка ихтисослашган ҳужаликларда етиштирилган навлар тўла сараланли.

Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан нурунйлардан иборат назорат гуруҳи тузилган. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли туман ва ҳужаликлардаги асосий майдонларга яхоб суви берилиб, пушта олинмапти. Жорий йилда элита уруғлик чигит ишлаб чиқариш корхонаси 5500 тонна сара уруғ тайёрлаб, ҳужаликларга етказиб бериши лозим. Тажрибали деҳқонлар ва махсус гуруҳнинг тақлифи билан ҳужаликларда тулик «Ан-Боёвут-2» нави экиладиган бўлди. Мутахассисларнинг фикрича Жиззах шароитида бу нав ҳам чидамлилиги, ҳам иссиққа бардошлилиги билан асқотадди.

— Тўксизлантирилган уруғликни тайёрлаб, алоҳида жойларда сақлаш учун шарт-шароитлар мавжуд, — дейди вилоят уруғчилик чигит ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Абдумалик Мамасолиев. — Айни пайтда вилоятдаги ҳужаликларда етиштирилаётган навлардан ташқари Андижондан «Тошкент-6», Фарғонадан «С-6524», Самарқанддан «Оқдарё-5», Навоидан «Ан-Боёвут-2», шунингдек, қўшни вилоятдаги заводлардан ҳам уруғлик чигитлар келтирилиб, тўла ишлов берилаяпти. Шулар қаторида ҳужаликларнинг раҳбарлари билан ҳамкорлик қилиниб, жойларда уруғлик чигитни сақлаш, уни исроф қилмаслик ҳусусида ҳам ўзаро шартномалар тузилди.

Асосийси, жорий йилда тайёрланавтган уруғлик чигитнинг катта қисми биринчи навларда бўлади. Ҳисоб-китобларга кура тайёрланавтган ҳар бир килограмм уруғлик чигитнинг сарф-ҳаражати утган йил билан таққослаганда бир неча ҳисса арзонга тушаяпти. Бу эса келгусида корхона тармоқларини янада кенгайтиришга имкон беради.

Деҳқончиликнинг ҳадисини олган миришкорларнинг кўкламга тайёргарлиги чакки эмас. Ҳозирги кунларда ариқ-зовурлар тозаланиб, дала бошига маҳаллий ўғит ташиб чиқарилмоқда. Бог ва тоқзорларга шакл бериш ишлари бошлаб юборилган. Техника тулик таъмирланиб, мавсумга ҳозирлаб қўйилган.

Шундай бўлса-да, кўкломдони юмушлари суи бораётган ҳужалик ва туманлар ҳам йўқ эмас. Зафаробод, Пахтакор, Дўстлик каби туманлардаги айрим ҳужаликларда ерга ишлов бериш ва шур ювишдек долзарб юмушлар секинлик билан борапти.

Умуман, Жиззахлик миришкорларнинг жорий йил қишлоқ ҳужалигинида умиди катта. Улар барча ишларни муддатига, кунлидагидек ўтказишга азму қарор қилишган.

Абдумалик ҲАҚБЕРДИЕВ.

Фарғона туманидаги Бобур номи жамоа ҳужалиги аъзолари қишқи тadbирларни уз вақтида ўтказиб, кўкламга ерни тайёрлашнинг сифатли олиб боришмоқда. Жумладан, мавжуд экин майдонлари яхоб сувидаги кондирляпти. Маҳаллий ўғит жамғариш ишлари қизгин. Шу кунгача 750 тонна гўн компост қилинган. Бундан ташқари ариқ-зовурлар тозаланиб, дренажлар таъмирланаяпти.

— Устахонада ҳам иш жадал, — дейди ҳужалик раҳбари Ало-виддин Сатторов. — Таъмирланган агрегатлар иш қизигига келтириляпти. Галла майдонлари озиклан-тирилиб, сувга кондирляпти. Тўксонбосди қилиб экилган пилёз, ойнаванд даладаги сабзавотлар парвариш ҳам қўйилдигидек. Шу кунгача 12 та ҳайдов, 53 та чопик, 33 та саялка, 400 дан зиёд борона ва 6 та мола ишга тахт қилинди.

ТЕХНИКА ШАЙ

Чортоқ туманидаги «Ойқирон» жамоа ҳужалиги меҳнат аҳли «Ерни боксанг, ер сени боқадди» деган нақлга амал қилишиб, зироатчиликда азалий тажрибага таянган ҳолда қишқи тadbирларни намунали олиб боришмоқда.

— Минерал ўғитлар нархи бирмунча қиммат, — дейди ҳужалик раҳбари. — Маҳаллий ўғит нисбатан арзон ва қулай. Ерни семир-тиради. Экинлар ривожига яхши таъсир кўрсатади. Бултур кузда 900 тоннага яқин ўғит жамғариб, ерга сочган эдик. Бу йил ана шу курсаткич уч минг тоннага етказил-ляпти. Шундан икки ярим минг тоннаси компост қилинди. Жорий йилда кўклам эрта келиши кутиляпти. Ерни баҳорги экишга таёрлаш ишлари барча бригада-ларда қизгин олиб бориляпти. Галла парвариши асосий эъти-борда. Яшил майдон-лар сугорилиб, озик-лантириляпти. Сув-чилардан Эргашбой Мўминов, Худойберди Мажнунов, Содикбой Эргашев заминни яхоб сувида кондир-ляпти жамғозлик кўр-сатиб меҳнат қилиш-моқда.

Устахонада ҳам иш қизгин. Экиш ва ҳай-дов агрегатлари соз-ланиб, тахт қилиб қўйилляпти.

Р. АКБАРАЛИЕВ.

МЕҲНАТ ВА ТАЪЛИМ ҲАМОҲАНГ

Самарқанд вилояти ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидаги касб-хунар мактаби, миллий ҳунармандчилик лицейи ва коллежларнинг талабалари кучи билан ҳар йили 22 миллион сўмлик турли мах-сулот ишлаб чиқарилмоқда. Утган йил якунлари айниқ-

са қувончи бўлди. Ўқув устахоналарининг ўзида режа-лаштирилган 8 миллион сўм-лик ўрнига салкам 9 миллион сўмлик иш бажарилди.

Бошқарма қошидаги иш-лаб чиқариш бўлими ҳисоби-да фаолият кўрсатаётган ўқув ҳужалигининг ўзидан 5 мил-лион 712 миң сўмлик даро-

мад қилинганлиги айниқса диққатга сазовордир. Бун-да Пахтачи бизнес макта-бини алоҳида тилга олса арзийди. Бу ўқув маскани жамоаси пахта ва бошқа қишлоқ ҳужалик экинлари экиб, астойдил меҳнат қил-ганлиги туфайли 2 мил-лион сўмдан кўпроқ фой-да олишга эришди.

Х. ШУКУРОВ,
ЎЗА мухбири.

1999 йил — Аёллар йили



Сир эмаски, қўнчилигимиз аёл зоти мунис мушфиқ, сертавозе ва сертакаллуп бўлишини хоҳлаймиз. Гоҳо тарбия борасидаги қусурлар бунга имкон бермаса, гоҳо тирикчилик аталмиш арава аёлларимиз-ни бир қадар дағаллаштириб қўяди. Айниқса бозор муносабатлари-га ўтиш жараёни нафақат эркак-ларни, балки аёлларни ҳам турли қуйга солиб, бизнинг тасаввуримизга турли келмайдиган юмуш-ларга ҳам киришишга мажбур эт-моқда.

Мана шундай анчайин мураккаб шароитда ҳаётда ўзига муносиб ўрин ва фаолият турини топиш му-ҳими аҳамият касб этади. Нафиса Каримовна Тошпулатова уз ҳаёт йўли билан сўзсиз бошқаларга иб-рат бўлиши мумкин.

У 1936 йили таваллуд топган. Ўр-та мактабини битказиб шифокор бўлмоқчи эди, лекин танловда ома-ди юришмади. Тақдир тақозосига кура бошқа касбини танлашга тур-ри келди. Педагог-психолог мута-хассислигини эгаллади. Оила кур-ди. Уч фарзанд курди. Турмуш ур-тоғи билан ажралишгач, турт жон-нинг тирикчилиги елкасига тушди.

Табиатан матонатли бўлгани учунми, Нафиса опа ортиқча но-лишини ўзига эп курмади. Ризқ-на-сибани меҳнатдан излади. Лекин ўғил-қизлари энди вояга етганида давр алғов-дағов тус олди. Бир-ни икки қилиш тобора қийинлаша борди.

— Мустақиллик астойдил иш-лайман, изланаман деган одамлар учун кенг имкониятлар яратиб бер-ди, — дейди Нафиса Каримовна. Қаҳрамонимиз бу имкониятлар-ни шунчаки идрок этиб қолмасдан, аёллар уртасида биринчилардан бўлиб тadbиркорликка қўл урди. Ўш муҳими, топган даромадининг

ЯРАТИШ ИШҚИ

бир қисмини мунтазам равишда хай-рия, савоб ишларга сарфлаб тур-ди.

— Уч-тўрт йил турли соҳаларда куч-гайратимни синаб курдим, — дейди Нафиса опа. — Кейин англа-димки, савдо-тижорат ишлари ома-нат нарса бўлиб, эртанги кунга ишонч билан қарашга имкон бер-майди. Мен шундай фаолият тури-ни топишм керакки, у доим одам-ларга асқотадиган, айни чоқда я-ғиллик бўлсин, деган хулосага кел-дим.

Уйлаб-уйлаб мева-сабзавотларни куриштишининг янги усулини йўлга қўйишга қарор қилдим. Одатий усулда мева-сабзавотларнинг асл таъминини сақлаб қолиб бўлмайди. Мен ихтиро қилган усулда эса ме-ва-сабзавотларнинг нафақат таъми, балки уларнинг таркибидаги барча витаминининг деярли юз фоиз сақ-лаб қолинади.

— Янги усулнинг моҳияти нима-дан иборат?

— Унинг жараёни мана бундай: янги мева-сабзавотлар яхшилаб ювиб-артилгач, музлатилади ва ва-куум ҳолатида куритилади, яъни мах-суз қурилма ёрдамида сувсизлан-тирилади ва ҳаво кирмайдиган идишларда сақланади. Мева-саба-завотлар бундай қилиб куритилганда асло бужмайиб, пачоқланмасдан узининг пишган ҳолатдаги шаки-ни бузмайди. Тановул қилишдан ол-дин қайнатилган совуқ сувга букти-

рилса, худди янги узигандек хо-латга қайтади.

Нафиса Тошпулатова ихтиро қил-ган мева-сабзавотларни куритиш усули қандай самарали ва фойда-ли эканлигига ўтган йили «Ўзэк-спомарказ»да ва бошқа жойларда ўтказилган қатор ярмаркаларга ташриф буюрганлар сўзсиз ишо-нч ҳосил қилишди. Нафиса опа би-лан биз ҳам аслида ўша ерда та-нишиб қолганмиз.

— Мева-сабзавотларни куритиш янги усулининг аҳамиятига мута-хассислар ҳам, харидорлар ҳам тан беришди, — деди опа ва қуйин-чаклик билан давом этди. — Ле-кин ишлаб чиқаришни кенг миқёс-да йўлга қўйишга ёлғиз ўзимнинг қўлим калталиқ қилмоқда. Тадбир-корликни ривожлантиришга мута-садди ташкилотлардан ёрдам су-расанг, ана-манадан нари ўтиш-майди. Банкдан кредит сураб му-рожаат қилишдан ҳам фойда бўл-мади. Таъмагирик қилишяптими, тушунолмай қолдим!

Нафиса опа қуйиниб анча гапир-ди. Катта лавозимларни эгаллаб турган баъзи амал соҳибларининг ҳам мадад курсатишга қуюқ ваъда-лар берганини, лекин ҳануз нати-жа йўқлигини таъкидлади:

— Мен ўзимга етарли даромад-ни ҳозир ҳам бемалол топаман, ле-кин мева-сабзавотларни куритиш-нинг янги усули кенг миқёсда ама-лиётга жорий қилинса, эл-юрт кат-та наф қуриши, ҳатто биз жаҳон бозорига чиқиб, муносиб урин эгаллашимиз аниқ. Шундай икмо-ниятни нега биз қўлдан бериши-миз керак? Ана шу ҳаёл менга ти-нчлик бермаяпти!

Яратувчанлик ишқиди ёниб га-пираётган бу аёлнинг дил сузла-рини тинглаб утирарканман, кўп нарсга ҳаёлимдан ўтди. Ахир, қи-лагиде куч, белида қувват бор қан-чадан-қанча эркаклар тadbиркор-лик билан иш юритиб, ўзига ри-зқ-насиба излаш, эл-юртга фаро-вонлик келтириш урнига боқиман-далиқ ботқоқидан чиқолмаётгани-ю шунчаки пул илинжида pista ёки мол олиб-сотиш, сутни суюлтириб, кўп қаватли бинолар ва маҳалла-ларда истиқомат қилувчиларга ал-даб сотиб юрганлар оэми?

Ҳолбуки сал калла ишлатилса, озгина тadbиркорлик курсатилса, инсоф-диённатдан чекинилмаса, На-фиса опадек чинакамига фойдала-ишларни ҳам йўлга қўйиш мумкин-ку! Бунга эришишнинг асосий шарт-ларидан бири Н.Тошпулатова ка-би ишбилармонларни сўзсиз қўл-лаб-қувватлашдан иборатдир.

Мутасадди ташкилотлар ҳам бу оддий ҳақиқатни англаб етади, де-ган умиддамиз.

Ш.АЛЛАМОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Нафиса опа қизлари Хадича ва Ноилани ҳам тadbиркорликка жалб этган. Улар «Она» ва «Чавандоз» фирмалари-га етакчилик қилинади.

ГАЛАА

ОЗИҚЛАНТИРИЛМОҚДА

Жиззах вилоятида 100 миң гектар далами, 101 миң гектар сугу-риладиган майдонларга экилган галланнинг қар-ийб 7 фоизи тўла ун-дириб олинди. Қолган майдонларда ҳам экин бир-икки барг чиқар-ди. Галланнинг ривожла-нишини тезлатиш мак-садида озиклантириш ишлари бошлаб юбо-рилди. Бунда куз ва қиш давомида 600 ми-нг тоннадан зиёд ўғит далага ташиб чиқарил-гани қўл келмоқда. За-рур ҳолларда ҳар гек-тар ерга ўртача 10-12 тоннадан чиритилган гўн сепилмоқда.

Айни вақтда вилоят-да техникани кўкламга экиш мавсумига шай-лаш ишлари бошлаб юборилди.

ҚУЛАЙЛИК

«Денов-сут» ҳисса-дорлик жамияти ви-лоятдаги бир неча ту-манлардан сут қабул қилиб қайта ишлайди. Корхона сут етказиб берувчи фермалар, ҳў-жалик ва ҳиссадорлик жамиятларининг кўпроқ махсулот етказиб бе-ришдан манфаатдорли-гини ошириш максоди-да қабул қилиб олина-диган ҳар бир литр сут учун 22 сўмдан нарх белгиланади. Ҳисоб-ки-тоб нақд пул ёки пул ўт-казиш йўли билан амалга оширилади. Айни вақтда мунтазам сут етказиб берувчи-ларга омухта ем ажра-тиш ҳам белгиланган. Бундан иккала томон ҳам манфаат курмоқда.

МАХСУЛОТ ҲАЖМИ ОРТАН

Ҳисор тоғи этаклари-даги конлардан кўмир қазиб олаётган Шарғун шахтёрлари ўтган йил-ни яхши курсаткичлар билан якунладилар. Ис-теъмолчиларга 71 ми-нг тонна кўмир жуна-тилди. Бу олдинги йил-даги нисбатан 1,5 бара-вар кўпдир.

Янги асбоб-ускуна ва техноло-гияни жорий қилиш бундан икки-уч йил олдин иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган конда аҳволни тезда ўнглаб олиш им-конини берди. Бо

ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚЎРМОҚДАМИЗ

Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари



САВОЛ. Яхши биламизки, мустақил тараққиёт йўли оқ пойёз тўшалган раван йўл эмас. Бу йўлда ўзига хос паст-баландликлар, тўсиқ ва қийинчиликлар, мураккабликлар бўлиши табиий. Сизнингча, Ўзбекистоннинг етти йиллик истиқлол тарихидан келиб чиқадиган асосий сабоқ ва хулосалар нималардан иборат?

ЖАВОБ: Менимча, етти-саккиз йиллик тажрибалар асосида тугал хулосалар чиқаришга ҳали эрта. Чунки биз яшаб ўтаётган давр ҳақида, миллатимиз ҳаётидаги туб бурилиш нуқтаси бўлган истиқлол йиллари ҳақида мукаммал хулосаларни тарихида даврлар, жараёнлар чикаришга ҳақлидир. Лекин бугунги ўзимиз бевосита иштирокчилари бўлган ижтимоий жараёнлар таҳлилидан келиб чиқадиган баъзи бир сабоқларни зикр этиш фойдадан холи бўлмас, деб ўйлайман.

Биринчи сабоқ шундан иборатки, янги тизимга ўтиш кўпчилик ўйлагандан ҳам кўра мураккаб жараён экан. Ўзингизда бўлса, 90-йилларда мустақилликка эришган айрим давлатлар эски тизимдан воз кечиш, бирданига демократия қураш, бирпасда ривожланган мамлакатлар даражасига

эришамиз, деб хомхаёл қилган эди. Бугун, орадан етти йил ўтиб, уларнинг қуруқ гап эканини, ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа эканини воқеликнинг ўзи исботлади.

Шу каби ҳаёт сабоқларини ўйлаб, бошимиздан кечган воқеаларни таҳлил қилиб, ақл тарозисидан ўтказиб, шундай тўхтамга келаманки, **Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини билиш керак** экан. Тарих инсоннинг кўзини очар экан. Шунда кўп хатоларнинг олдини олиш мумкин бўлар экан. Чунки инсоният тарихида даврлар, жараёнлар чарх-палак каби айланиб, қайтарилиб туради. Фақат бу ҳолатлар янги тарихий босқичда янгича шаклда рўй беради. Шу нуқтаи назардан қараганда бизнинг тарихимизда ҳам ўсиш, юксалиш ва таназзул замонлари бўлган. Халқимиз бошидан кўп нарсани ўтказган. Зафарларни ҳам, мағлубият ва парокандаликларни ҳам кўрган. Бунга Амир Темури хуқронлик қилган давр ва ундан кейин кечган жараёнлар ёрқин мисол бўла олади.

Буюк аждодимиз юксак тараққий топган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда «Куч — адолатда» деган бош шiori давлат сиёсатининг, жамият ҳаётининг асоси бўлганини яхши биламиз. Бу гоё одамларга куч берган, уларда инсоф-диёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган. Чунки жамиятда адолат барқарор бўлса, миллат, халқ ҳеч қачон йўлидан адашмайди, эрта-кечми фаровон турмушга эришади. Менинг раҳбарлик лавозимда меҳнат қилган тажрибамдан чиқарган энг муҳим ҳаётий хулосам шуки, **адолат биз қўраётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор**.

Нафақат мамлакатимиз миқёсида, ўйлайманки, ҳар қандай жамоа, маҳалла, бординг, оила мисолида ҳам омадимиз, фойда-баракамизнинг гарови ва шарт бўлиши тинчлик ва тотувлигимизни сақламоқчи бўлсак, бунинг ягона замини — **адолат** ва инсофни энг устувор мақсадимиз ва сиёсатимизга айлантирмоғимиз керак.

Фақатгина шу асосда бугунги эришган энг катта бойлигимизга — фуқаролар ризолиги, миллатларaro тотувлик ва юртимизда қарор топган оқойиш-талиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш мумкин.

1

Бу фикрларни айтишдан мақсад шуки, биз тараққиётимизнинг, миллатимиз тарихининг ҳозирги босқичида, маълум маънода ана шу даврларни янгича шариоатда қайта бошдан кечиряпмиз. Янги ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўйяпмиз. Шундай экан, тарих сабоқлари бизни ҳар хил нотўғри қадамлардан огоҳ этувчи, сақлаб турувчи омил бўлиши лозим. Чунончи, халқ, миллат тақдирига дахлдор масалаларда пала-партиш, оқибатини ўйлабмасдан иш тутиш ярамайди. Одамларга яхши қўринаман, деб «чирайли» шiorлар билан жамоатни маҳлиё қилмоқчи бўлганларнинг бугунги аҳоли қандайлигини кўриб турибмиз. Бу ҳам, керак бўлса, кечаги тарих сабоғи эмасми?

Кези келганда бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Биз шу пайтгача кўпроқ эски тузумни танқид қилиш, уни инкор этиш билан банд бўлдик. Албатта, бошимиздан кечирган мудҳиш ва мустаҳаб турмушнинг бутун асосларини англаб етиш, йўлимини тўғри белгилаб олиш учун истиқлолнинг дастлабки йилларида бу биз учун албатта зарур эди. Аммо фақат ўтмишни ёзғириш, инкор этиш билан узоққа бориб бўлмайди. Эски асосларни инкор қилиш осон, бироқ улардан қутулиш, уларни тақрирламаслик — ўз-ўзидан бўладиган иш эмас.

Эски жамиятни танқид қилиш осон, лекин янги жамият қуриш ниятда қийин ва машаққатли жараён. Мана, биз етти-саккиз йиллик мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Бу йўлда орттирган озми-кўпми тажрибамизга, эришган ютуқларимизга таяниб айтиш мумкинки, **энди инкор қилиш қайфиятидан бунёдкорлик қайфиятига ўтиш пайти келди**.

Яқин ўтмишимизнинг яна бир сабоғи шуки, **миллат, давлат, жамият тақдири ҳал бўлаётган паллада ўзлимизни англаш, маънавий илдишларимизни унутмаслик катта аҳамиятга эга**. Моддий ётишмовчилик албатта оғир синов, лекин унга меҳнат билан, сабр-тоқат билан бардош берса, енгил ўтса бўлади, аммо маънавий инкироз, маънавий қашшоқликдан, уларнинг оқибатидан — миллатларaro низолардан, биродарқушлик қирғинларидан худонинг ўзи асасин.

Шуқри, биз халқимизнинг азму шижоатиға, бунёдкорлик кучига таянган ҳолда, ўтиш даврига хос қийинчиликларни енга бориб, ўз йўлимини аниқ белгилаб олдик ва шу йўлда озми-кўпми ютуқларга эришдик. Албатта, ютуқлар ҳақида ғурурланиб гапириш, кўплаб мисолларни келтириш мумкин, аммо сохта обрў орттириш йўлида кўкракка мушт уриб оламга жар солиш бизнинг табиатимизга ётдир.

Шу ўринда эътиборингизни, аиникса оммавий ахборот воситалари ходимларининг диққатини бир нарсга жалб этмоқчи эдим.

2

Бу албатта мустақилликнинг — мустақил тафаккурнинг махсулидир. Бир пайтлар бу ҳақда сўз юришти қийин эди. Ҳамма нарса коммунистик мафкура қолипи билан ўлчанган у замонларда ҳар бир одам ўзининг эътиқодидан қатъий назар, ичидаги гамташвишларини яшириб, расмий минбарлардан туриб ёки матбуотда — оддий зиёлими, етук олимми ёки танқиди арбоби — барибир, айтаётган фикрининг ана шу қолипга мос келиш-кекмаслигини ўйлашга мажбур эди. Чунки фикрловчи, ақлли одамлар қирғин-қатагонлар туфайли кўрқиб юрагини олдириб қўйган, уларнинг қон-қонига, онг қатламларига ана шу ваҳима ҳисси сингиб кетган эди. Шунинг учун, яъни, бир қолипдан чиққани учун ҳам уларнинг фикрлари бир-бирига ниятда ўхшаш бўларди. «Шаклан миллий, мазмунан социалистик» деган ибора бу ҳолатни яққол ифодалар эди.

Бугунги ҳаётимизнинг кечаги қуниимиздан асосий фарқини топишмоқчи бўлсак, бу аввало **одамларнинг тафаккури ўзгариб, аниқроғи, юксалиб бораётгани** билан белгиланади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Аслида одамзот тафаккурининг чегараси йўқ. Ҳаёт ўзгариши билан, борлик дунё ўзгариши билан инсоннинг моддий ва маънавий муҳити, унинг дунёқараши ҳам ўзгариши қонуний ҳол, албатта. Агар тафаккурни атрофимиздаги ҳаёт тарзининг махсули сифатида қабул қилсак, унинг иккинчи жиҳати шундаки, ҳаётнинг ўзи ҳам, унинг ўзгаришлари ҳам одамзот тафаккурининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ.

Шу қисқа давр ичида — кейинги етти-ўн йил давомида замоннинг шиддат билан ўзгариши одамлар тафаккурининг ҳам тез ўзгариб боришига таъсир қилмоқда.

Бу муҳим, гоё долзарб масала бўйича бизнинг ёндашувишимиз шундай: **биз кишилар дунёқараши-ни бошқариш фикридан фироқимиз, балки биз одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз**.

Ҳар қандай халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган мафкура — миллий аниқ шакл-лантиришнинг асосий шарти — одамларнинг тафаккури, дунёқарашининг воқеликка нисбатан таъсирини инобатга олишдир. Шу маънода миллий гоё, миллий онг тўғрисидаги моҳиятини тўғри англаш, уни тарбия қилиш, уни бугунги куннинг энг зарур вазифаларидан бири сифатида эътироф этиш, бу хусусда баҳсу мунозаралар олиб бориш, фикр алмашиш, очик-ойдин гапириш, ўйлайманки, ижтимоий тараққиётимиз учун катта наф келтиради.

Биз йигирма биринчи аср бўсағасида яшаяпмиз. Оллох насиб этса, ҳадемай йигирма биринчи асрга ҳам қадам қўямиз. Хўш, янги асрга биз қандай онг,

қандай мафкура билан — халқимизни бирлаштирадиган, унга йўл кўрсатадиган қандай миллий гоё билан кириб борамиз?

Бу даврда бизнинг маънавий қараш ва нуқтаи назарларимиз нимадан иборат бўлади? Кундан-кунга ўзгариб, гоёт мураккаблашиб бораётган жаҳон ҳамжамияти тизимидан бу қарашлар ўзига муносиб ўрин топа оладими? Уларнинг халқаро тажрибалар ва демократик тамойиллар билан уйғун ривож топиши учун биз нималарга эътибор беришимиз керак? Умуман, бизда янги аср учун мўлжалланган маънавий-мафкуравий фаолият мақсадлари — концепциямиз борми? Бор бўлса, у ўзида нималарни ифода этади? Йўқ бўлса, бу хусусда қимлар, қайси ижтимоий-сиёсий қўллар ишламоқда?

Қўрилиб турибдики, саволлар бир-биридан кескин, бир-бирдан долзарб ва мураккаб. Лекин уларга жавоб топмасдан, бу муаммоларни ечмасдан биз олға қараб ҳаракат қилолмаймиз. Бир жойда депсиниб тураверамиз. Чунки ҳеч қачон кишилик жамиятида гоёвий бўшлиқ бўлмаган. Агарки шундай бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини бизнинг табиатимизга бегона турли хил мафкуравий таъсиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар.

Бундай хавфни ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз ва унинг олдини олишимиз — бугунги куннинг энг долзарб, энг мураккаб вазифаларидан биридир. Хўш, бугунги кунда бизга мамлакат ичидан ва четдан таъсир ўтказиши мумкин бўлган қандай мафкуравий қўллар бор?

Бу қўлларнинг гоёлари, манбалари, имкониятлари, таъсир доиралари қандай?

Бизнинг уларга муносабатимиз қандай бўлиши керак?

Шундан келиб чиққан ҳолда бизнинг ўзимизга хос, ўзимизга мос миллий гоёимиз қандай бўлмоғи лозим?

Уни қундалиқ ҳаётда, кенг жамоатчилик орасида, хусусан, ёшлар орасида тadbик этишнинг йўли ва усуллари нималардан иборат?

Шу муносабат билан бизга хавф солиши мумкин бўлган **айрим мафкуравий таҳдидларга** ватандошларимиз диққатини қаратмоқчиман.

Биздан узок-яқин масофаларда жойлашган айрим ислом давлатларида ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган муайян ташкилотлар мавжуд. Улар катта маблаг ва мафкуравий таъсир воситаларига эга. Албатта, бундан ўн тўрт аср бурунги воқеликни бугун амалда қайтадан тиклаб бўлмаслиги аён. Лекин уларнинг нияти — ягона мафкуравий макон барпо қилиб, ислом динини сиёсийлаштириш ва шу асосда хуқронлик қилиш, ҳокимиятни қўлга қиритишдир. Уларнинг фикрича, мусулмонлар яшайдиган мамлакатлар ўртасида ҳеч

3

қандай маъмурий чегаралар бўлмаслиги керак, бу давлатларнинг барчаси ягона халифалик маркази томонидан бошқарилиши зарур.

Бундай қўллар орасида «Ҳеъби тахрири исломия» ташкилоти айниқса фаоллиги билан ажралиб туради. Унинг вакиллари бизнинг мамлакатимиз худудида ҳам яширинча, пинҳона иш олиб боришга уринишмоқда. Улар асосан ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларимизни ўз тўзогои илинтиришга, турли йўллар билан уларнинг миясини захарлаб, ўз халқни, ўз юртига қарши ганимга айлантиришга жон-жаҳди билан ҳеч қандай маблагларини аямасдан ҳаракат қилмоқдалар. Табиийки, биз бундай ёвуз интилишларга асло йўл қўлмаймиз ва қўймаймиз ҳам.

Биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиламиз, одамзот руҳий дунёсида йўмон-эътиқодни, инсоний фалғи ҳам ўз халқининг феъл-атвориға яраша бўлар экан.

Мен бир гапни кўп айтганман. Яна тақорлайман: бизнинг юртимизга Оллохнинг назари тушган. Шундай экан, бу муқаддас заминдан мендай раҳбар чиқмаса, бошқа биров чиқарди.

Ҳар қандай таназзулдан, таҳликали мушкул аҳволдан, авваламбор халқнинг мардлиги, бунёдкорлик салоҳияти, теран маънавияти, содда қилиб айтганда, одамларнинг мададиға таянибгина чиқиш мумкин.

Халқига суянмаган раҳбар ҳеч замонда бирон натижаға эриша олмаган. Ахир, ҳар бир фуқаронинг жамиятда ўз ўрни, ўз бурчи ва масъулияти бор. Лекин уларни улуг ва олижанон мақсадлар йўлида руҳий, маънавий жиҳатдан бирлаштирадиган йўл-бошчининг майдонға чиқиши тарихий тараққиёт тақозосидир.

САВОЛ. Ҳурматли Ислам Абдуганиевич, кейинги вақтларда мустақиллик мафкураси, миллий гоё ҳақида жамиятимизда кўп фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Жамоатчилигимизга яхши маълумки, **Сиз одамларнинг тафаккур тарзини, дунёқарашини ўзгариштириш, уларнинг қалбига ана шу улуг гоёларни сингдириш борасида доимо жон қўйдириб келасиз. Ижозатингиз билан энди миллий гоё, миллий гурур, маънавият масалалари ҳақида тўхталсак...**

ЖАВОБ. Миллий гоё ҳақида жуда кўп ва узок фикр юритиш мумкин. У ҳаётнинг ўзи каби чексиз мавзудир. Миллий гоё халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади. Бу ҳақдаги асосий фикрларимни «Тафаккур» журналы бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларимда ҳам билдирган эдим.

Шу нарса эътиборга сазоворки, кейинги вақтда «Миллий гоё» деган тушунча ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда, бугунги ижтимоий воқеликдан ўз ўрнини топишмоқда.

4

(Давоми 4-бетда).

ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ

(Давоми. Боши 3-бетга).

Ишончим комилки, тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувликка қорлайдиган бундай шиор миллий ғоямиз асосий мезонига айланиб қолса, нафақат бугунги, балки келажак авлодларимизни ҳам асрайдиган ва барчамизнинг эзгу орзуларимизни рўёбга чиқарадиган асос бўлиб хизмат қилар эди.

Гап миллий ғоя ҳақида борар экан, ўз-ўзидан **уни демократик тамойиллар билан уйғунлаштириш** масаласи келиб чиқади. Айтиш керакки, бу осонгина бўладиган иш эмас, балки жуда чуқур илмий-сиёсий, назарий-амалий ёндошувни талаб қиладиган машаққатли жараёндир.

Бугунги вазифамиз ижтимоий соҳанинг етакчи олимларини, файласуфлар, сиёсатшунослар, социологлар, ҳуқуқшунослар, педагоглар, психологлар, тарихчилар, адиб ва журналистларнинг энг пешкадам вакилларини мазкур жараёнга жалб қилиш, уларнинг билим ва тажрибаларидан омилкорлик билан фойдалана билишни тақозо этади.

САВОЛ. Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йилларида маънавий ҳаётимизнинг асосий йўналиш ва тамойиллари шаклланди. Бунда Сизнинг назарий қарашларингиз, миллий қадриятларини, тарихий ва маданий меросимизни тиклаш борасидаги амалий фаолиятингиз асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу муносабат билан янги асрда маънавият соҳасидаги бош ғоямиз нимадан иборат бўлиши лозимлиги ҳусусида Сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик.

ЖАВОБ. Маънавият — узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганидек, уларнинг махсули ўлароқ маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлади. **Маънавият деганда авваламбор одамни руҳан поклашнига, қалбан улайишга қорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бакувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиламан.**

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бизнинг, айтилик, 1991 йилдаги маънавий савиямиз билан халқимизнинг ҳозирги руҳий ҳолати ўртасидаги фарқни қиёслаб кўриш кифоя, деб ўйлайман. Албатта, маънавиятнинг тош-тарозиси, ўлчовини топиш қийин. Фалсафий нуктаи назардан қараганда шундай. Лекин амалий нуктаи назардан ёндошганда, ҳаётдаги, жамият онгидagi ўзгаришларга нисбатан баҳо берганда, унинг муайян мезонларини ифода этиш мумкин. Масалан, мустақиллик маънавиятини, унинг бугунги даражасини кўпчилигимизнинг кўнгилмиздан ўтадиган «Кеча ким эдиру бугун ким бўлди?» деган савол билан белгилаш мумкин эмасми?

Бевоқиф сизнинг саволингизга келадиган бўлсак, унга жавоб бериш, маънавиятимизнинг келгу-

си асрдаги шакл-шамойили, мазмун-моҳияти, таянч нуқталари ва тараққиёт уфқларини белгилаш, унинг тамойилларини ишлаб чиқиш, айтиб ўтганимдек, аввало жамиятшунос олимлар, барча зиёлиларимизнинг вазифасидир.

Шахсан менинг бу борадаги қарашларим қуйидагича: модомики биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги йигирма биринчи асрга мўлжалланган ҳаракат дастуриймиз ҳам ана шундан келиб чиқмоғи даркор. Яъни **эркин фуқаро — онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур.**

Биз шу пайтгача маънавият борасидаги ишларимизни одамларнинг тафаккурини эски тузум сарқитларидан халос этишга, ватандошларимиз қалбига миллий мустақиллик ғояларини синдиришга қаратдик. Бу борада муайян натижаларга ҳам эришдик. Лекин бу ортирган тажрибамиз эркин демократик жамият қуриш йўлидаги илк қадамлардир. Чунки биз кўп йиллар давомида шаклан озод, моҳиятан эса куллик ҳолатида яшаб келган эдик. Афсуски, узок давом этган бу зулмнинг асоратлари ҳали-хануз тўла барҳам топгани йўқ. Айниқса, бу иллат бизнинг онгу тафаккуримизда чуқур ўрнашган бўлиб, ундан фориғ бўлиш осон кечмастпти.

Ҳуқуқий жаҳолат, ҳуқуқий саводсизлик, маъмурий-ҳуқуқий органларнинг қонунсиз зўравонлиги, ўтмишимизда рўй берган қатағонларнинг мудҳиш таъсири кўрқинчли туш каби ҳамоно хотирамиздан ўчмай келади.

Шу боис энди олдимизда ниҳоятда муҳим, келажакимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтиганда, **озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айна замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда қўрадиган қомил инсонларни** тарбияладан иборатдир. Мен мана шундай инсонлар ҳақида ўйлар эканман, дунёқараш мустақиллик йилларида шакланган ёшларимизда келажак маънавиятининг умидбахш куртакларини кўргандек бўламан. Ва уларнинг келажакига катта ишонч ва завқ билан қарайман.

Эркин фуқаролик жамиятига дунёдаги кўп-кўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира бориб етиб келган. Биз бундай жамиятни қуришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилмоқдамиз. Лекин бу гўзал орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳа-

ни фашизм балосидан ҳимоя қилган. Бу ҳақиқатни мен такрор-такрор айтганман ва у халқимиз томонидан эътироф этилган. Ўйлайманки, бу масалада сиз айтган хавотирга ўрин йўқ.

Аслини олганда, маънавият ва тарихий хотира тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Марҳумлар хотирасини эслаш, эъзозлаш — савоб иш. Шунинг учун ҳам биз кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши билан Номайлум солдат майдонини Хотира майдони деб аташга аҳд қилдик.

Бўлғуси Хотира майдонига қадам босадиган одамларнинг кўнглидан қандай ҳис-туйғулар кечади — билмайман, лекин шу нарсага ишончим комилки, бу ерга келадиган ҳар бир инсон, ёшу қари ватандошимиз Иккинчи жаҳон уруши ва кейинги урушларда юртимиздан иштирок этиб қурбон бўлганларнинг қадр-қиммати ҳақида беихтиёр ўйга толади, уларни ёдга олади, хотираси олдида бош эгади, ораимизда ҳали ҳаёт юрган собиқ жангчиларни кўпроқ иззат-иқром қиладиган бўлади. **Бу жой, шубҳасиз, ўзига хос гўзал зиёратгоҳ ва тарбия маскани бўлиб қолади.** Бу муқаддас қадамжо фақат урушда шахид кетганларнигина эмас, балки халқимизнинг эрки ва озодлиги йўлида жонини тиккан Қодирий, Бехбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари минглаб миллатимиз фидойиларининг хотираси учун ҳам тикланган обида бўлади.

Марҳумлар руҳига бағишлаб тиловат қилиш, уларнинг хотирасини, арвоҳларини яхшилик билан тилга олиш энг яхши урф-одатларимиздан биридир. Ўйлайманки, Хотира майдонига қадам қўйган, уни зиёрат қилган ҳар бир инсон ҳаёлида айнаи шу олижаноб одатимиз жонланади. Ҳеч қандай сўз билан ифода этиб бўлмайдиган, фақат ҳис-туйғу билан идрок этиш мумкин бўлган аллақандай илоҳий ва муқаддас ҳолат унинг бутун вужудини камраб олади. Хотира майдони чинакам муқаддас қадамжого айланиб қолишига ишонаман.

Энг муҳими, бу майдон халқимизни тарихий хотира воситасида бирлаштиришга хизмат қилади. Чунки қаттол замон тақозоси билан халқимиз ўз даврида, бири «қизил аскар», бири «босмачи», бири «қулоқ», бири «комиссар», яна бири «муштум-зўр», яна қай бири «йўқсиз» деб гуруҳларга ажратиб ташланган эди. Шўро ҳукумати «бўлиб ташлаб ҳукмронлик қилиш» учун энг маккор усулларни ишга солган, бир миллат вакилларини бир-бирига қарши қайраб, адоват ва низо уруғини сочган. Лекин аслида уларнинг барчаси битта халқ фарзандлари, бир миллат вакиллари эди. Энди орадан шунча йиллар ўтиб кетгач, биз учун ба босмачи, ба қизил аскар бор.

Шу боис бугун биз ота-боболаримизга ана шундай сунъий ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган да-

врнинг моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим. Майли, эҳтимол уларнинг орасида адашганлари, ўз халқининг миллий манфаатларига қарши борганлари ҳам бўлгандир. Балки ўша одамлар бугун қилмишига пушаймондир, руҳий азоб тортаётгандир. Бу ҳақда ўйлаш, жавоб бериш — аввало уларнинг ўз виждонига ҳавола. **Қолаверса, дунёда Оллоҳ ҳукми борлигини, у ҳамиша барқарор эканини эсдан чиқармаслигимиз лозим.**

Бу гапларни айтишдан мақсад шуки, ҳозирги мураккаб, қалтис паллада эски гина-қудуратларни кўзгаб, тарафма-тараф пароканда бўлиб кетиш халқимиз учун асло йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. **Миллий ғоя миллатни, халқни бирлаштиришга қаратилиши керак.** Миллатни бўлиб ташлашга асос бўладиган ғоя бузғунчи ғоядир.

Биз ўтмишимизнинг мана шундай аянчли, фожияли саҳифаларини чуқур таҳлил қилиб, ҳаққоний ҳулоса ва сабоқлар чиқаришимиз керак. Миллий ғурур тарбияси, ягона халқ туйғусини ёшлар онгига синдириш соҳасида ҳар кун эринмасдан тинимсиз иш олиб боришимиз, бу йўлда энг таъсирчан самарали воситалардан фойдаланишимиз шарт.

Биз 90-йилларнинг бошидаёқ, яъни озодлигимизнинг дастлабки қунлариданоқ бу борада изчил ва қатъий сиёсат олиб бордик. Одамларни «сен — коммунист», «сен — диндор» деб гуруҳларга ажратмадик, жамиятимизнинг пароканда бўлиб кетишига йўл қўймадик. Бугунги жараёнлар ўша тадрижий, эволюцион сиёсат натижаси, унинг мантиқий давоми ва ривожидир.

Шу муносабат билан яқин ўтмишимизга баҳо берганда, ўша давр тарихига, бўлиб ўтган воқеаларга ва ўша даврнинг «улкан арбоблари»га ва «моҳир ташкилотчилари»га нисбатан муносабат билдирганда бор ҳақиқатни очик акс эттириш керак, деб ўйлайман.

Бу нарса ўша одамларни бадном қилиш, улардан ўч олиш ёки бошқа мақсадлар учун эмас, аксинча, шу йўл билан авваламбор ёшларимиз тарбиясига ижобий таъсир ўтказиш, ҳаётимиз тарихида ҳақиқатни қарор топтиришга хизмат қилади.

Шуни яна бир бор таъкидлашни истардимки, жамиятни доимий ҳаракатга келтириб турадиган куч — миллий ғоя, миллий манфаатга хизмат қиладиган қадриятларни, илгор демократик қоида ва тушунчаларни аниқ-равшан тасаввур этиш, уларни ўрганиш, бориин асраб-авайлаш, йўғини шакллантириш, бойитиш, ривожлантириш, халқни, аввало ўсиб келаётган ёш авлодимизни ана шу билим ва кўникмалар билан тарбиялаш — маънавият соҳасидаги энг асосий вазифамиз бўлиши лозим. **Амир Тему́р бобомизнинг таъбири билан айтганда, халқимиз, миллатимизнинг дардларига дармон бўлмоқ барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.**

САВОЛ: Муҳтарам Президент, бу йил Ўзбе-

5

ларини такомиллаштириш, **умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, ўз замонимизга тадбиқ этиш лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур.**

Бугун жамиятимиз олдида турган бу улғувор ва мураккаб вазифаларни ҳал қилиш энг аввало таълим-тарбия, маърифат масаласига бориб тақаллади. Бу масалага кенг жамоатчилик диққатини жалб этиш керак. Матбуот орқали, телевидение орқали одамларда маърифатпарварлик ғояларини тарбиялаш, мактаб-маориф тармоқларига ҳомийлик, савоатпешалик, савобталаблик каби эзгу хусусиятларни қучайтириш зарур.

Асримиз бошларида жадидларнинг ўз ҳисобидан мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар, театрлар, рўзномалар ташкил этганликлари, дарсликлар, қўлланмалар нашр қилганликлари, уларни Туркистон болаларига бепул тарқатганликлари, уни эслайлик. Наҳотки бугун юртимизда ана шундай саховат бўлоқлари қуриб қолган бўлса! Ишончим комилки, бундай фидойи, саҳий инсонлар диёримизда кўллаб топилади. Фақат уларга бош-қош бўлиш, интилишларини кўллаб-қувватлаш, маънавий жиҳатдан рағбатлантириш керак. Ахир тўқиб-сочиб қилинаётган тўртта тўй ўрнига битта мактаб курса бўлади-ку! Ахир шу мактабда бегона эмас, ўзимизнинг фарзандларимиз, эртага сизу бизнинг ўрнимизга келадиган, чирогимизни ёқадиган, шу Ватанга эгалик қиладиган ўғил-қизларимиз ўқийди-ку!

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, эркин фуқаролик маънавиятининг асоси бўлиш маърифат масаласи доимий эътиборимизда бўлиши шарт.

Маънавият соҳасида янги асрга мўлжалланган асосий йўналишни аниқлаб, ўзимизга режа қилиб белгилаб олар эканмиз бир нарсага алоҳида аҳамият бериш керак: бу мақсад ва ғоялар халқ онгига сингадими, жамоатчилик уларни кўллаб-қувватлайдими ёки йўқми — ҳамма гап мана шунда. Бу фикрлар фақатгина гоҳ ҳолида қроғозда қолиб кетмаслиги, қуруқ гап, қуруқ шиор бўлиб қолмаслиги лозим. Уларни амалга ошириш учун бизга жонқуяр, бева-бечорага ачинадиган, ўз ризқини муҳтож кимса билан баҳам кўришга қодир, ҳақиқат ва халқ манфаати йўлида курашларга ҳамиша тайёр, мард, фидокор инсонлар керак.

Бундай хусусиятлар эса, ота-боболаримиз тажрибасидан маълумки, жамоа, жумладан, маҳалла шароитида шаклланади. Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир, дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба-аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тар-

6

биялайдиган бирламчи ва беқиёс макон — бу маҳалладир.

Узоққа бормай, қундалик ҳаётимизга назар ташлайлик. Кўпқаватли уйлارда турувчиларнинг аксарияти одатда темир эшиклар ортида яшайди. Эшикка қулф устига қулф уришларини айтмайсизми! Бундай ҳойларда қўни-қўшничилик, яхши кунда шерик, ёмон кунда ҳамдард бўлиш ҳам ўзига яраша. Олдий йўлакни супуриб-сидириш ҳам сансалорликка олиб келади.

Маҳалла эса бутунлай бошқа бир олам. Маҳаллада эшигига тўртталаб қулф осиб олган кишига одамлар қандай қарайди? Бундай кимса ўз-ўзидан жамоатдан ажраб қолмайдими? Ёки куча эшигининг олди супурилмаган уйга совчи қадам босадими? Демокриманки, ўзбек фарзанди дастлабки жамият тарбиясини айнан маҳаллада олади. Унинг тафаккури кўпчилик ичида, қўни-қўшниларнинг яхши-ёмон кунларида бирга бўлиш орқали шаклланади. Ўзидан катталарнинг муомаласи, юриш-туриши, одоб-ахлоқи, ўзаро оқибатига қараб ҳаракат қила бошлайди. Маҳаллаларимизда тонг сахардан қўчаларга сув сепилиши, таниш-танимаслигидан қатъий назар, одамларнинг бир-бирига эзгу тилак билан салом бериши, оқсоқолларнинг ёшлар умрига барака тилаб дуо қилишининг ўзи катта тарбия мактабидир.

Энг муҳими, кўпчилик ичида яшаш инсондан нафсини тийишни, атрофдагиларнинг ўзи ҳақидаги фикри билан ҳисоблашиб умр кечиришни талаб этади. **Аслида инсон эътиёжлари чексиз бўлиб, унга доимо нимадир етишмайди. Лекин ҳар бир одам нафс балосидан жудо бўлишга интилмоғи керак. Чунки, ҳамма қулфат ана шу нафс балосидан келиб чиқади.** Уни енгилла инсоннинг қучи, иродаси етадими? Бу саволга ҳам жавобни биз маънавиятдан излашимиз керак.

САВОЛ. Сиз бундан уч йил муқаддам 9 май — Ғалаба байрамини Хотира кунни сифатида нишонлаш ташаббуси билан чиққан эдингиз. Сизнинг тақлифингиз билан бу кун бундан буён Хотира ва қадрлаш кунни деб аталадиган бўлди. Бу ҳаракат жамиятимизни фикрий бўлинишга олиб келмасмикан? Ахир, уруш қатнашчилари орасида ҳамон совет орденларини тақиб, фалон тепалик учун қон тўкканман, деб юрганлар ҳам йўқ эмас-ку?

ЖАВОБ. Албатта, бундай одамлар бор. Лекин ишончим комилки, бу одамлар сиз айтгандек, қандайдир номсиз тепаликлар, бегона мамлакатлар учун номаълум солдат бўлиб жанг қилмаганлар. Улар қайси жангоҳда бўлмасин, ўз она юрти, тугилиб ўсган қишлоғи, муштирап онаси, суюкли ёри, фарзандларининг қадрдон сиймоси доимо юрагида, қуруқ ҳаёлида турган. Жанг жадал майдонларида Сталин учун ёки қандайдир мавҳум улуг ғоя учун эмас, шулар учун жон берган. Яъники, улар олис Европада туриб ўз юртини, жонажон Ўзбекистони-

кистон халқи ҳаётида сайловлар йили сифатида муҳим босқич бўлади. Сиз бўлғуси сайловлар ва уларнинг жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий жараёнларга таъсири ҳақида қандай фикрдасиз?

ЖАВОБ: Аввало, бўлажак сайловлар барчамиз учун катта синов бўлишини айтиб ўтмоқчиман. Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий қайфиятлар айниқса яққол намоён бўлади. Шу билан бирга, ҳар қандай сиёсий ҳаракатлар ва кучлар сайловга тайёргарлик қўриши, ўз платформаларини аниқ белгилаб олиши — буларнинг барчаси табиий ҳол. Бусиз ўзи ҳаёт, тараққиёт бўлмайди.

Бундай ҳолатлар доимо бўлган, лекин бугун демократик тамойиллар ва қадриятлар жамоатчилик онгидан қарор топаётган, эркин тафаккур, фикрлар хилма-хиллиги учун шароит шаклланиб бораётган бир пайтда бу масала бўйича очик гапириш, унга одамларнинг ўз муносабатини ошқорла билдириши алоҳида аҳамият касб этади.

Бизнинг демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти барпо этиш каби олижаноб мақсадларимиз ҳам шунга ундайди. Биз шу эзгу мақсадлар сари интилаётган эканмиз, ҳаётимизда демократик тамойиллар чуқур илдиш отишини истар эканмиз, демократиянинг бу талаби бўлиши эркин сайловлар масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Ҳуқуқий фуқаролик жамиятида сайлов тизими муҳим аҳамиятга эга эканини жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди. Шу жиҳатдан қараганда, биз бу борадаги қонунчилигимизни муттасил равишда замон талабига мос ҳолда такомиллаштириб бормоқдамиз.

Ишончим комилки, бу борада амалга ошираётган ишларимиз, мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий асослар демократик сайловлар жараёнида ҳар бир фуқаронинг ўз сайлов ҳуқуқини ҳеч қандай монеликсиз рўёбга чиқариши, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода эта олиши учун имконият беради. Бир қарашда бу осонгина кечадиган жараёнга ўхшайди, лекин унинг ўзига хос нозик жиҳатлари, мураккабликлари борки, бу ҳақда муфассалроқ тўхталиш лозим деб, ўйлайман.

Бизда эркин сайловлар ўтказиш бўйича муайян тажриба тўпланган бўлса-да, у ҳали етарли даражада эмас. Чунки ривожланган давлатлар бир неча юз йиллик сайлов тажрибасига, уни амалга ошириш механизмларига эга. Демакки, биз жаҳон сайлов тажрибасини янада пухта ўрганишимиз, ўз қонунларимизнинг моҳиятига теран кириб боришимиз тақозо этилади.

Шуни унутмаслик керакки, бўлғуси сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилади. Кураш қизғин бўлади. Шундай экан, ҳар бир сайловчи ўзи

учун, ўз хоҳиш-иродасига қараб овоз бериши шарт эканлигини унинг онгига синдириш лозим.

Ҳар қандай партия агар ўзини сиёсий партия деб ҳисобласа, авваламбор аниқ ғояга эга бўлиши билан бирга нимагадир ёки кимгадир муҳолиф бўлиши зарур. Мана шундай ҳолат ва мана шундай ёндашиш партиянинг тарафдори ва унга ишонган, инонган одамлар ҳамда жамоага аниқ-равшан маълум бўлиши даркор. Содда қилиб айтганда, партия тарафдорлари нима учун курашаётганини ва нима-ларга қарши чиқаётганини яхши билишлари, аниқ ёндошув ва позицияларга эга бўлишлари керак.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай сиёсий партия сайлов натижасида муваффақиятга эришмоқчи бўлса, авваламбор олиб борилаётган сиёсатга, ҳаётимизга танқидий кўз билан қараш, ижтимоий воқеликни ҳар томонлама таҳлил қилиб, керакли, ваэмин мулоҳазалар, пухта ўйланган ҳулосалар билдириши керак. Уларни асослаш, кенг жамоатчиликни ўз фикрига тарафдор этиш, миллий манфаатларимизга хизмат қиладиган ғояларнинг амалий кучга айланиши учун кураш олиб бориш даркор, деб ўйлайман.

Бугун Ўзбекистондаги ҳар бир виждонли инсоннинг муқаддас бурчи **мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилишдир.** Бир пайтлар оташин шоиримиз Чўлпон «Оринг, дўстлар, халқ ичига борайлик!» деб хитоб қилган эди. Бугун ҳар қандай сиёсий партия номига эмас, балки чинакам фаолият кўрсатишни истаса, бўлғуси сайловларда ўз тарафдорларини қўпайтириб, жамиятда етакчи мавқени қўлга киритмоқчи бўлса, агар унинг аъзолари ўзини шу азиз Ватанининг асл фарзандлари деб билса, халқ ичига бориши, жамиятимизнинг турли қатламлари орасида истиқлолни мустаҳкамлаш, уни бало-қозолардан, ёвуз назарлардан, ёмон кўзлардан сақлаш учун кечаю кундуз тиним билмай ишлаши керак.

Албатта, бу йилги сайловлар жаҳон жамоатчилигининг, халқаро ташкилотларнинг синчков нигоҳи остида ўтади. Бу сайловларимизнинг ҳолис, ошқор ва демократик руҳда ўтишига кўмаклашайди.

Бизнинг мақсадимиз — сайловларни ўз Конституциямиз ва қонунларимиз, шу билан бирга халқаро демократик қонун-қодалар андозаларига асосида ва уларга тўла риоя қилиш заминада ўтказишдир. Умумэътироф этилган халқаро меъёрлар, илгор демократик давлатларнинг ижобий тажрибасини қўллаш мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалишига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, бўлажак сайловларни демократия нуктаи назаридан, келажакимиз нуктаи назаридан, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини кўтариш мезонидан келиб чиққан ҳолда ўтказиш керак.

8

Хўжаликларда — Банк ШОҲОБЧАСИ

Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк»и
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи
Рўзимбой Курбонов билан мухбиримиз суҳбати

— Президентимиз Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасида республиканинг ижроия идоралари раҳбарлари, ҳокимлар билан ўтказилган кенгашида банклар тизими олдида ўта муҳим вазифалар кўйилди. Ана шу қимматли кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда ишни қай йўсинда ташкил этмоқдасизлар?

— Мушаккил мамлакатимиз бозор иқтисодиғига асосланган жамият курмоқда. Бозор муносабатларининг катта қисмини эса банк муомаласи ташкил этади. Иккинчидан, биз ҳуқуқий жамият барпо этаётимиз. Бу дегани инсон аҳли ишлаши, қилган меҳнати яраша ҳақ олиши, шу асосда тукини, фаровон турмуш кечириши лозим. Банклар тизимимиз фуқароларимизнинг айнан шу ҳуқуқини ҳар томонлама муҳофаза қилиши керак. Юртимизимизнинг юқорига қайд қилинган кенгашидаги нуктидан сунг ўз ишчимизни қайта таҳлилдан ўтказиб, қилиниши зарур бўлган энг муҳим ишларни белгилаб чиқдик.

Банк ҳодимининг асосан иккита мақсади, вазифаси бўлади. Биринчиси — ўз мижози (балки ҳамкор деб атаганимиз туғрироқ буларнинг даромади кўпайсин деб ният қилади. Масалан, «Пахта-банк» Қорақалпоғистон бўлими 4500 тага яқин хўжалик юрттувчи субъектларга, ҳамкорларимизга хизмат курсатади. Қанинқиди, ҳалқ тили билан айтганда бўлса, ҳаммаша уларнинг қозони ҳам, чумчи ҳам мой бўлса. Ўттиш даврида барча ҳамкорларимиз иқтисодий қийинчиликлардан силлиқ чиқиб кетаётгани йўқ. Иқлим инжиқликлари, хўжалик юртидаги айрим нуқсонли ҳолатлари боис Қорақалпоғистон деҳқонлари давлатга пахта, галла, шу жумладан, шолити сотиш режаларини бажара олмайоти. Бу ўз-ўзидан тармоқнинг иқтисодий аҳолига салбий таъсирини ўтказмоқда. Иккинчи мақсадимиз айнан ўша вазиятдан келиб чиқади. Гап шундаки, худди шу ҳолатда ишлаб чиқаришдаги натижаларига қараб молиявий томондан бақувват ва иқтисодий ночор субъектлар пайдо бўлади. Бизнинг бош мақсадимиз шундан иборатки, бақувват хўжалиқнинг ҳам, ночор хўжалиқнинг ҳам иқтисодий курсаткичлари кафтдагидек кўриниб турсин. Бунинг учун ҳамкорларимизга хизмат курсатишнинг бутунлай янги усулларига ўтмоқчимиз. Мен ҳамкорларга банк хизмати курсатишнинг жаҳон андозаларини назарда тутмоқдам.

— Бу олийжаноб, бугунги кун талабларидан келиб чиққан интилиш ҳисобланади. Мазкур йўналишда дастлабки қадамларни қўйиш учун жаҳон банк тизими тажрибала-
лар биринчидан, у ердаги банк хизмати курсатиш тарзи билан танишишга, иккинчидан, Жаҳон банки муассасалари билан тегишли тарзда алоқа урнатишга имкон берди.

— Пойкадамингиз Бе-руний бобомизнинг «ақл машъали ёритган денгиз орти»га теккани, у ерда тажриба орттиргангиз аини мудоао бўлибди. Йирик банк бўлими тизимида ўша илгор тажрибаларни қўллаш учун кўп сонли малакали ходимлар керак бўлса керак?

— Албатта. Шунинг учун биз бугунги кунни, яқин ва узоқ келажакни кузлаб қад тайёрлашга алоқадор киришганимиз. Авваломбор Нукус шаҳридаги Пушкин номидаги мактабда махсус банк синфи очдик. Иккинчидан, Туртқул шаҳрида молия-банк коллежи ташкил этилди. Ҳозир бу ерда 725 талаба банк му-
тахассислигини эгалламоқда. Учунчидан, айнан шу Туртқулда Тошкент Иқтисодий дорилфунунининг таянч пункти иккинчи му-
тахассислик бўйича малакали кадр тайёрламоқда. Энг иқтидорли ёшларимизни илгор мамлакатларнинг банк олийгоҳларида ўқитиш тадбирларини белгиламоқдамиз. Қолаверса, Туртқулда Жаҳон банкнинг кичик шохобчасини очдик. Шунинг билан биргалликда банк ходимларимиз бир неча бор саралашдан ўтказилди. Муайян маълумотга, етарли тажрибага, ўқув ва қобилиятга эга ходимлар қолди сафимизда. Бу ишни изчил давом эттирамиз.

— Бозор иқтисодиёти шариоитида соғлом рақобат бўлиши керак. Бу банклар тизимида ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлса керак?

— Айнан шундай. Мамлакатимизда банклар сони ва хили ошиб бормоқда. Буни Қорақалпоғистонимиз мисолида ҳам яққол ҳис қилса бўлади. Жумладан, «қалдирғоч» хусусий банк-
лар вужудга келмоқда. Бу ишни Тахтакупир туманидаги пешкада «Тахтакупир» ширкат хўжалиғи раҳбари, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси депутаты Ағитой Одилов бошлаб берди. Айнан пайтда айрим илгор хўжаликларда банк-хизматининг кичик шохобчалари очилмоқда. Тажрибали деҳқон, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты Олломиберган Холмбетов етакчилигидаги жамоа — Амударё туманидаги «Оқ олтин» ширкат хўжалиғида тузилган шохобчамиз фикримизга далил бўла олади.

— Рўзимбой ака! Сиз юқорида хўжаликларнинг иқтисодий курсаткичлари худди кафтдагидек аён кўриниб туришини таъминламоқчимиз, дедингиз. Бунга қай йўл билан эришилади?

— Очигини айтсам, бунга бир неча йилдан буюн тайёргарлик куриб келмоқдамиз. Бунинг учун биз билан молиявий муомалада бўладиган йирик хўжалик юрттувчи субъектларда «Модем» русумидаги электрон банк алоқаси хўжолари урнатимиз. Ҳозир ҳар хўжалиқдан 2 мутахассис тайёрлашмоқдамиз. Улар орқали истаган хўжалик, ташкилот яъни мижоз ўз тасарруфиди пул маблағлари туғрисида ҳаққоний маълумотга эга бўлади. Айнан пайтда ҳамкорларимиз билан аввалгига қараганда бир неча бор тез ва самарали муомала қила олади. Туртқул туманидаги «Намуна», Шароф Рашидов номидаги хўжаликларда бу иш бошланиб, жиҳозлар урнатилмоқда. Бу усулни қанчалар тез жорий этсак, ишчимиз шунчалар тез ўнгланади. Чунки бу усул хўжалик юрттувчи субъектлар маблағларини аниқ эмас, мажбур ер манбаларини ҳисобга олиш, назорат қилишда қўл келади. Юзлаб мутахассисларнинг туман марказига бориб юрмадан иш урнида пул ўтказишдан тежаланди, қанча ва сарфини ҳисоблаб қўйиб, биласизми, тармоғимиз, яъни қишлоқ хўжалиғида ҳисоб-китоб ишларининг бўшашига ҳеч қачон йўл қўйиб бўлмайди. Бозор ўта масъулиятли жараён. Ҳар бир сўми оқилона ишлатиш, фойда олиш, уни давлат ва инсон манфаатларига сарфлаш, бу борада бизнинг сода ва кредитларимиздан самарали фойдаланиш керак.

Юртбошимиз жорий йилни Аёллар йили деб эълон қилганларида барчанинг боши осмонга етди. Аёл саодати бўлиши учун унинг оиласи моддий жиҳатдан туқис бўлиши лозим. Бу борада қишлоқ хўжалиғи экинларидан мўл ҳосил етиштиришга ҳозирдан мустаҳкам замин ҳозирлаётган деҳқонларга қўшнат бўламини, намунали банк хизмати курсатамиз!

Суҳбатдош: Янғибой БОЗОРБЎЙ ўғли.

Хизматни
яхшилаш —
замон талаби



рени ўрганиш зарурати туғилгандир?

— Булмасам-чи. Барчамиз шунга интилаямиз. Хусусан ўзим бир неча мамлакатлар, шу жумладан, Америка Қўшма Штатлари банк муассасалари иши билан батафсил танишиб қайтдим. Хориж са-

фарлари биринчидан, у ердаги банк хизмати курсатиш тарзи билан танишишга, иккинчидан, Жаҳон банки муассасалари билан тегишли тарзда алоқа урнатишга имкон берди.

— Пойкадамингиз Бе-руний бобомизнинг «ақл машъали ёритган денгиз орти»га теккани, у ерда тажриба орттиргангиз аини мудоао бўлибди. Йирик банк бўлими тизимида ўша илгор тажрибаларни қўллаш учун кўп сонли малакали ходимлар керак бўлса керак?

— Албатта. Шунинг учун биз бугунги кунни, яқин ва узоқ келажакни кузлаб қад тайёрлашга алоқадор киришганимиз. Авваломбор Нукус шаҳридаги Пушкин номидаги мактабда махсус банк синфи очдик. Иккинчидан, Туртқул шаҳрида молия-банк коллежи ташкил этилди. Ҳозир бу ерда 725 талаба банк му-
тахассислигини эгалламоқда. Учунчидан, айнан шу Туртқулда Тошкент Иқтисодий дорилфунунининг таянч пункти иккинчи му-
тахассислик бўйича малакали кадр тайёрламоқда. Энг иқтидорли ёшларимизни илгор мамлакатларнинг банк олийгоҳларида ўқитиш тадбирларини белгиламоқдамиз. Қолаверса, Туртқулда Жаҳон банкнинг кичик шохобчасини очдик. Шунинг билан биргалликда банк ходимларимиз бир неча бор саралашдан ўтказилди. Муайян маълумотга, етарли тажрибага, ўқув ва қобилиятга эга ходимлар қолди сафимизда. Бу ишни изчил давом эттирамиз.

— Бозор иқтисодиёти шариоитида соғлом рақобат бўлиши керак. Бу банклар тизимида ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлса керак?

— Айнан шундай. Мамлакатимизда банклар сони ва хили ошиб бормоқда. Буни Қорақалпоғистонимиз мисолида ҳам яққол ҳис қилса бўлади. Жумладан, «қалдирғоч» хусусий банк-

лар вужудга келмоқда. Бу ишни Тахтакупир туманидаги пешкада «Тахтакупир» ширкат хўжалиғи раҳбари, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси депутаты Ағитой Одилов бошлаб берди. Айнан пайтда айрим илгор хўжаликларда банк-хизматининг кичик шохобчалари очилмоқда. Тажрибали деҳқон, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты Олломиберган Холмбетов етакчилигидаги жамоа — Амударё туманидаги «Оқ олтин» ширкат хўжалиғида тузилган шохобчамиз фикримизга далил бўла олади.

— Рўзимбой ака! Сиз юқорида хўжаликларнинг иқтисодий курсаткичлари худди кафтдагидек аён кўриниб туришини таъминламоқчимиз, дедингиз. Бунга қай йўл билан эришилади?

— Очигини айтсам, бунга бир неча йилдан буюн тайёргарлик куриб келмоқдамиз. Бунинг учун биз билан молиявий муомалада бўладиган йирик хўжалик юрттувчи субъектларда «Модем» русумидаги электрон банк алоқаси хўжолари урнатимиз. Ҳозир ҳар хўжалиқдан 2 мутахассис тайёрлашмоқдамиз. Улар орқали истаган хўжалик, ташкилот яъни мижоз ўз тасарруфиди пул маблағлари туғрисида ҳаққоний маълумотга эга бўлади. Айнан пайтда ҳамкорларимиз билан аввалгига қараганда бир неча бор тез ва самарали муомала қила олади. Туртқул туманидаги «Намуна», Шароф Рашидов номидаги хўжаликларда бу иш бошланиб, жиҳозлар урнатилмоқда. Бу усулни қанчалар тез жорий этсак, ишчимиз шунчалар тез ўнгланади. Чунки бу усул хўжалик юрттувчи субъектлар маблағларини аниқ эмас, мажбур ер манбаларини ҳисобга олиш, назорат қилишда қўл келади. Юзлаб мутахассисларнинг туман марказига бориб юрмадан иш урнида пул ўтказишдан тежаланди, қанча ва сарфини ҳисоблаб қўйиб, биласизми, тармоғимиз, яъни қишлоқ хўжалиғида ҳисоб-китоб ишларининг бўшашига ҳеч қачон йўл қўйиб бўлмайди. Бозор ўта масъулиятли жараён. Ҳар бир сўми оқилона ишлатиш, фойда олиш, уни давлат ва инсон манфаатларига сарфлаш, бу борада бизнинг сода ва кредитларимиздан самарали фойдаланиш керак.

Юртбошимиз жорий йилни Аёллар йили деб эълон қилганларида барчанинг боши осмонга етди. Аёл саодати бўлиши учун унинг оиласи моддий жиҳатдан туқис бўлиши лозим. Бу борада қишлоқ хўжалиғи экинларидан мўл ҳосил етиштиришга ҳозирдан мустаҳкам замин ҳозирлаётган деҳқонларга қўшнат бўламини, намунали банк хизмати курсатамиз!

Суҳбатдош: Янғибой БОЗОРБЎЙ ўғли.



Саудия Арабистонида зирот

сия ҳам қилди.

Хўш, бу ютуклар ортида нима ётган эди? Агар бир сўз билан айтганда бул-
сақ, қишлоқ аҳлига — у деҳқон бўладими, тадбиркор бўладими, моддий, маънавий, молиявий ҳамда техникавий кўмак бериш, улар фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантиришдан иборат эди. Келинг, улар ҳақида бироз тўхтайлик.

Сунгги йилларнинг ўзида давлат 2 миллион гектардан ортиқ қуриқ ва буз ерларни ўзлаштириб қишлоқ хўжалиғи аҳли ва ширкатларига бепул тарқатди. Натижада 1975 йили атиги 150 минг фелдан (бир фелдан 0,42га) ери бўлган мамлакат экинзорлари кескин ортди. Аҳолига уруғлик ва қўчар деярли текин, рамзий баҳоларда етказиб берилди.

— Ер эгалари ўз деҳқончиликларини энг замонавий агротехника усуллари асосида олиб боришлари учун мамлакатнинг турли вилоят ва туманларда жойлашган 120 дан ортиқ қишлоқ хўжалиғи ва агротехника марказларидаги етук агроном ҳамда муҳандис кадрлар деҳқон хизматига қўйилди. Улар ўз билми ва маҳоратларининг самарасини деҳқон етиштирган маҳсулотда куради-
ган бўлиди. Қорамол ва паррандаларга керакли доридармон, зооветеринария хизмати ҳамда турли қишлоқ хўжалик зарарку-
ндаларига қарши ишлатиладиган захарли моддалар ҳам шу марказлардан бепул берилладиган бўлди. Бу марказларда уруғчилик, турли қишлоқ хўжалиғи экинлари ҳосилдорлигини оширишда замонавий техника ва агротехника қоидаларига амал қилиш бўйича махсус дастурлар амалга оширилди, улардан энг афзаллари кенг қўламда тарқатилди.

Деҳқонларга керак оғир қишлоқ хўжалик машиналари қийматининг 45 фоизини чет эллардан келтирувчи унинг ярим нархини ҳам давлат тўлайдиган бўлди.

Четдан ҳаво йўли орқали келтирилган зотдор қорамол ва паррандалар сарф-харажатлари ҳамда сўт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган муассасалар асбоб-анжомлари баҳосининг 20-30 фоизини ҳам давлат ўз зиммасига олди.

Емғир сувларини ўзида йиғадиган 185 та сув омбори барпо этилдики, натижада уларда 689 миллион куб метр сув гамлаш имконияти яратилди. 1964

да бугдони экспорт қилган. 1993 йилдан бошлаб чорвачиликни ривожлантириш мақсадида бугдой экинзорлари бирмунча қисқартирилиб, урнига ембор арпа, сули сингари экинлар екиладиган бўлди. Ваҳоланки, Саудия бугдойи сифатининг юқорилиғи учун қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари халқаро ташкилоти (ФАО), Халқаро бугдой кенгаши, бугдой бўйича Америка жамияти, Умумевропа бозори қўмитаси, Европа савдо клуби ва бошқа қатор халқаро ташкилотларнинг мақтов ва сифат ёриқларига сазовор бўлган эди.

Саудия Арабистонини тўб маънода хурмо юрти дейиш мумкин. Зеро, бу улқад хурмонинг 400 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, жами 13 миллион тулдан зиёд хурмо дарахти ҳосил беради. Мамлакат байроғида хурмо дарахти рамзи борлиғи ҳам шундан. Хурмо етиштириш бўйича бу улқа дунё-

да биринчилардан. Шу ерда кунига тонна-тонна хурмо мевасини тозалалаб, навларга ажратиб қадоқлайдиган, сунгги техника ва технология билан жиҳозланган, ишлаб чиқариш жараёнларини ақли компьютерлар бошқардиган заводлар мавжуд. Хурмо ишлаб чиқаришнинг йиллик урғачи миқдорига келсак, у 1992 йи-

лий қишлоқ хўжалик аҳли ва ширкатларига узоқ муддатли, фойда олинмайдиган — фоизсиз қарз-кредит берадиган қишлоқ хўжалик банки фаолиятни жонлантирилди. Жойларда унинг бўлимлари очилди. Уму-

мий сармояси камида 300 миллион риял (3 риял тахминан 1 доллар) бўлган йирик қишлоқ хўжалик ширкатлари ташкил этилди.

Деҳқонлар етиштирган бугдой, арпа сингари дон маҳсулотлари ҳар йили давлат элеватор ва тегирмон ташкилоти орқали бозор нархидан юқори баҳо-
ларда харид қилиши кафолатланди. Давлат томонидан намунали хўжаликлар ташкил этилиб, энг замонавий техника ва технология билан таъминланди. Тез орада улар ўзига хос тажриба мактаби ҳамда шу соҳа кадрларини қайта тайёрлаш мактаби вазифасини ўтай бошлади. Қишлоқ хўжалиғига юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган, бу соҳада илмий-тадқиқотлар олиб борадиган муассасаларга эътибор кўчатирилди.

Бу ва шу сингари тадбирлар тез орада ўз самараларини берди. Натижада сунгги йилларда мамлакат қатор қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўзи тўла қўлайдиган, ошқочасини эса тажрибага сотадиган бўлди. Масалан, бугдой етиштириш оладиган бўлсак: 1975-93 йиллар ичида ў 30 минг тоннадан 3 миллион 430 минг тоннага етди. Мамлакат аҳолисининг бугдойга бўлган бир йиллик эҳтиёжи эса ўртача 900 минг тонна атрофида эди. Шу боис қолган бугдой қатор мамлакатларга сотилди. 1985-91 йиллар ичида Саудия Арабистони жами 9 миллион тонна атрофи-

да бугдойни экспорт қилган. 1993 йилдан бошлаб чорвачиликни ривожлантириш мақсадида бугдой экинзорлари бирмунча қисқартирилиб, урнига ембор арпа, сули сингари экинлар екиладиган бўлди. Ваҳоланки, Саудия бугдойи сифатининг юқорилиғи учун қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари халқаро ташкилоти (ФАО), Халқаро бугдой кенгаши, бугдой бўйича Америка жамияти, Умумевропа бозори қўмитаси, Европа савдо клуби ва бошқа қатор халқаро ташкилотларнинг мақтов ва сифат ёриқларига сазовор бўлган эди.

Саудия Арабистонини тўб маънода хурмо юрти дейиш мумкин. Зеро, бу улқад хурмонинг 400 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, жами 13 миллион тулдан зиёд хурмо дарахти ҳосил беради. Мамлакат байроғида хурмо дарахти рамзи борлиғи ҳам шундан. Хурмо етиштириш бўйича бу улқа дунё-

да биринчилардан. Шу ерда кунига тонна-тонна хурмо мевасини тозалалаб, навларга ажратиб қадоқлайдиган, сунгги техника ва технология билан жиҳозланган, ишлаб чиқариш жараёнларини ақли компьютерлар бошқардиган заводлар мавжуд. Хурмо ишлаб чиқаришнинг йиллик урғачи миқдорига келсак, у 1992 йи-

лий қишлоқ хўжалик аҳли ва ширкатларига узоқ муддатли, фойда олинмайдиган — фоизсиз қарз-кредит берадиган қишлоқ хўжалик банки фаолиятни жонлантирилди. Жойларда унинг бўлимлари очилди. Уму-

мий сармояси камида 300 миллион риял (3 риял тахминан 1 доллар) бўлган йирик қишлоқ хўжалик ширкатлари ташкил этилди.

Деҳқонлар етиштирган бугдой, арпа сингари дон маҳсулотлари ҳар йили давлат элеватор ва тегирмон ташкилоти орқали бозор нархидан юқори баҳо-
ларда харид қилиши кафолатланди. Давлат томонидан намунали хўжаликлар ташкил этилиб, энг замонавий техника ва технология билан таъминланди. Тез орада улар ўзига хос тажриба мактаби ҳамда шу соҳа кадрларини қайта тайёрлаш мактаби вазифасини ўтай бошлади. Қишлоқ хўжалиғига юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган, бу соҳада илмий-тадқиқотлар олиб борадиган муассасаларга эътибор кўчатирилди.

Бу ва шу сингари тадбирлар тез орада ўз самараларини берди. Натижада сунгги йилларда мамлакат қатор қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўзи тўла қўлайдиган, ошқочасини эса тажрибага сотадиган бўлди. Масалан, бугдой етиштириш оладиган бўлсак: 1975-93 йиллар ичида ў 30 минг тоннадан 3 миллион 430 минг тоннага етди. Мамлакат аҳолисининг бугдойга бўлган бир йиллик эҳтиёжи эса ўртача 900 минг тонна атрофида эди. Шу боис қолган бугдой қатор мамлакатларга сотилди. 1985-91 йиллар ичида Саудия Арабистони жами 9 миллион тонна атрофи-

лий 750 минг тоннадан ошиб кетган эди. Бу мамлакат аҳолиси эҳтиёжидан анчагина ортиқ бўлгани учун, бир қисми чет элга сотилса, бир қисми жаҳон озиқ-овқат дастури доирасида ўзга юртларга инсонпарварлик ёрдами сифатида жунатилади.

Мамлакат шу кунга келиб туш, сут ва сўт маҳсулотлари ҳамда туҳумга бўлган ўз эҳтиёжини ҳам ўзи тўла қондирадиган бўлди. Парранда ва қўй гуштига бўлган эҳтиёж эса 60 фоиз атрофида қондирилиб, қолган 40 фоиз ҳозирча четдан келтирилади.

Турли-туман мева-чева ва сабзавотлар етиштиришга ҳам ҳар томонлама эътибор бериб келинган боис, 1993 йили етиштирилган мева-чева ва сабзавот ҳажми 2 миллион 182 минг тоннани ташкил этди.

Ер майдонининг катта қисми тоғу тош, қучиб юривчи қум барханларидан иборат. Иклими оғир, ёгингарчилик ўта танқис. Баъзиларнинг наздида деҳқончиликка умуман яроқсиз улқад бундай муваффақиятларга эришиш ўз юртининг порлоқ келажиги йўлида тинмай изланаётган, замонавий илм-фан ютуқларига суянган тадбиркор халқ нима-ларга қодир эканини курсатувчи ёрқин мисолдир.

Бахтиёр ИБРОҲИМОВ, шарқшунос.

Суратларда: Саудия Арабистони қишлоқ хўжалигидан лавҳалар.

Эркул УМАР, ЎЗА мухбири

НАВРЎЗГА ПЕШВОЗ

Самарқандликлар ҳар бир айём, тантанани кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтказишга одатланиб қолган. Бу йилги Наврўз байрами ҳам вилоят шаҳар ва туманларида зўр шодиёна, ўзгача файз, тароват билан нишонланади. Эзгулик ва қувонч оилари барчанинг кўнглига баҳорий илиқлик, хўш кайфият бағишлаши учун ҳозирданок катта тараддуд бошлаб юборилди. Вилоят ҳокимлигида умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ўтказилган йиғилишда бу борадаги вазифалар белгилаб олинди.

Вилоятда бу галги Наврўз тантаналари илк бор Самарқанд шаҳар марказий маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтади. Байрамга тайёргарлик жараёнида шаҳарни, мазкур оромгоҳни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилади. Шўкухли кўнларда маданият, санъат ходимлари, ижодкорлар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, спортчилар кизикарли қиқчи билан ўз маҳоратини намойиш этади. Туман ва шаҳарларда савдо ва саноат маҳсулотлари кўрғазмалари ташкил этилади. Уларда «Усто» бирлашмаси, «Хунарманд», «Мерос» уюшмалари ҳамда қўли гул усталар фаол иштирок этади.

Шунингдек, эҳтиёжманд оилалар, ногиронлар, меҳрибонлик ва саховат ўйларидан хабар олиш, у ердаги муҳтож кишилар, етимлардан кўнгли сўраш ҳам наврўзнинг азалий удуми ҳисобланади. Оталик ташкилотлар кўмағида уларга моддий ёрдам кўрсатилади; бир пилла қўл баҳонасида байрам дастурхони тўзалади.

Бир сўз билан айтганда, авлодлар томонидан асрлар бўйи эъзозланиб келинаётган улғу айём Самарқанда бу йил янгиҳа руҳ, янгиҳа шўкуҳ билан ўтади.

Ҳамза ШУКУРОВ, ЎЗА мухбири.

ХАЙРАНИ ИШ

Қизилтепа ва Навоий туманларини кесиб ўтувчи катта йўлни обод қилишдек хайрли ишга киришилди. 50 километр масофани эгаллаган йўлнинг икки тарафига мевали дарахт қўчалари ва терак қаламчалари экила бошланди. Бир вақтлар буюк бобокалонларимиз Амир Темур ва Бобур Мирзолар кўниб ўтган Работи Малик ўғлиши атрофида ободончилик ишлари аниқсаявж олдириб юборилди. «Работи Малик» чойхонаси йўловчиларга хизмат қилишга киришди. Ободонлаштириш ишларида «Навоий автойўл» идораси, Навоий кон-металлургия комбинати, «Сардоба парранда» ҳиссдорлик жамияти меҳнатчилари фаол қатнашмоқда.

Эркул УМАР, ЎЗА мухбири

БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ

Избоскан туманидаги Абдусамат Тиллабоев номи ҳиссдорлик жамияти пахтакорлари туман хўжаликлари орасида биринчилардан бўлиб баҳорги чигит екиш техникасини тўла таъмирдан чиқардилар.

— Хўжалик меҳнаткашлари ишни ўч сменада ташкил этиб, қузда сифатли шудордан чиқарилган 636 гектар майдонга чигитни бир ҳафтада экиб олиш ниятида, — дейди хўжалик бош агрономи Азимжон

Дехқонов. — Бу борада механизаторларга зарур маданий- маиший шариоит яратиб, уларнинг ўз меҳнатидан доимий манфаатдорлигини ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

(ЎЗА).

Дехқонов. — Бу борада механизаторларга зарур маданий- маиший шариоит яратиб, уларнинг ўз меҳнатидан доимий манфаатдорлигини ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

БЕГУБОР БОЛАЛИК ТАЛҚИНИ

«Болалик — пошлоқлик». Унинг тахти ҳақида сарбала-нид. У олис-олислардан ҳам ма-на, мен деб буй қўрабди тур-ради. Шу маънода фикр юри-тадиган бўлсак, умр — турт фаслнинг энг ардоқли, бирин-чи фасли — болалиқдир. Бу фасл барчамизнинг қалбимиз-га яқин ва туташ. Болалиқни-нг узиға хос ҳаёма сўмоқлар-и, ундан қанча узоқлашмайлик — хайратларга бой. Зеро, Гудке ҳарир оқ шойидан — Қора рангиди тўсан у. Хайратларнинг чиройидан — Хайрат туйиб... Усан у...

Таниқли шoir ва ёзувчи Абдусамид Қўчморов ижодида бо-лалиқнинг ана шу бетакорли-ни манзаралари ҳам дoим янги-ча ва охорди сайқал топади. Яқинда «Ўзбектеlevision» студия-си унинг ижодиға мурожаат этиб, «Баланд тоғлар остида» деган 4-қисмли фильмини су-ратта олди. Фильмда она ерга муҳаббат туйғуси, табиати қў-қорачиғимиздек асраб-авай-лаш, ҳайвонот ва наботот дун-ега меҳр ва бошқа долзарб муаммолар кенг қамраб олинган. Оила муҳити, катта-лар ва болалар ўртасидаги ўза-ро муносабатлар, қўнча тари-хиямизга ва шарҳона қадрият-ларимизга ҳурмат кини ижод-корлари томонидан моҳирона тасвирга туширилган. Фильм-нинг бош қаҳрамонлари — Ту-ракул ва Раҳматуллолар тим-солида илгари сурилган асо-сий ҳақ ачинай ёркин лаъва ва бўёқларда ўз ифодасини топтиган. Айниқса, фильмининг бетакор табият қўнғида та-сма-ларга туширилиши уни то-моша қилган ҳар бир кишида еруғ кайфият уйғотган. Бола-

лар ва усмирлар тарбиясида, уларнинг қомилликка интилиш-ларида, фильмининг тасвирчан қамрови бекиёс.

Биз «Ўзбектеlevision» студия-сининг узиға хос махсулотиди — «Баланд тоғлар остида» фильмининг оммавий ахборот воситалари ходимлари, оқсоқол ижодкор ва санъаткорлар, ҳул-лас, ижод вакиллари билан бўл-ган тақдими тadbирига қатна-

телефильмлар ана шу тинмай иланишларимиз, ҳамкорлигимиз самарасидир.

Болалар ва усмирлар ҳаёти-дан ҳикоя қилувчи «Баланд то-ғлар остида» фильми ҳам шу та-риқа дунёга келди. Шу ўринда мўаллиф — салоҳиятли ижодкор Абдусамид Қўчморовнинг ҳизмати алиҳода таъкидлаш жоиз.

Баҳодир АХМедов, пос-тановкачи режисёр:

Янги фильм тақдимоти

«Баланд тоғлар остида» фильми бегубор болалик дунё-сини ичкишоф этгани учун ҳам гоёт қадри қадим — мўбoлаға бўлмас. Фильмда ҳаётини маса-ларлар қамрови кенг. Мақтаниш-га йўнамслик кераг-у, аммо фильм болалар, усмирлар ва ёшлар ҳаётини узиға хос тал-қин этувчи биринчи йирик фильм-полотнодир.

Жаҳонгир ҚўЧМОРОВ, Тош-кент шаҳар, Чилонзор туман-идаги Одиқ Қўчморов номли 131-мактабнинг 9-синф ўқу-чиси:

«Баланд тоғлар остида» теле-фильмида мен тенгдошим Ту-ракул ролини ижро этдим. Тура-кул — тоғ боласи, мард, қўр-мас ва жасур. Табиатта, унинг ҳаёвонот ва ўсимлик дунёсига меҳри баланд. Албатта, филь-ми суратта олиш даврида қий-инчиликларга дубар қўлдик. Фильм 15 кун ичида тасвир та-сма-ларига туширилди. Бу фильм — сабот, матонат фильми ҳам-дир.

Шунингдек Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги Ман-нон Уйғур номли 22-урта мак-

табнинг 5-синф ўқувчиси Жам-шид Абдуллоев (фильмда Раҳ-матулло ролини уйнаган), фильми режисёрларидан яна бири Миртўла Мирқамоллов, «Баланд тоғлар остида» теле-фильмига муҳаррирлик қил-ган ёзувчи Мирзапўлат Тош-пўлатов ва бошқалар ҳам суҳ-бат жаравида ижодкорлигини узиға хос айрим жиҳатларига алоҳида тўташди.

Ана, олис-олислардан пуравкор тоғлар қўзға ташла-нади. Чўққилардан пастлик-ларға шарқираб сув оқади. Ҳамма ёқ гузаллик оғушида. Икки болакай сўмоқлар ва қоялар оша йўл босади. Бу йўл узун ва машаққатли. Но-гаҳон фильм қаҳрамонларидан бирининг овози акс садо бе-ради: «Муҳажирини йўлини қўр-са...Т...»

Назаримизда, болакайлар манзил тутган уш... «Муҳаж-рини йўли» — келажак ва умидлар йўлидир. Шунда дафъатан, муҳтарам кўрбoш-миш Ислам Абдуганиевич Ка-римовнинг нуфузли анжуман-лардан бирида айтган мана бу сузлари беҳитвер ёдга ту-шади: «Фарзандларимиз биз-дан кура қўли, билими, до-но ва албатта бахтли бўлиш-лари шарт».

Алал-хусус, ўз юртини, унинг ҳар бир қарич ерини ва замин соҳиблари — элимизни севган ҳар бир ёш авлод ва-кили бахтли ва тахтли бўлиш-ига дил-дилдан ишонгимиз келади. «Олис тоғлар остида» фильми шу улғу тоғға ҳизмат қилмак, ичишолмак.

Абдулла ТУРДИЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.



Муборак Ҳадиси шарифда «Жаннат оналар оёғин остидадур...» деб бежиз айтилмаган. Бу таърифи тавсифда буюқ ҳикмат ашайди.

Тошкент вилояти Зангиота тумани-нинг Зангиота қишлоғида бир табар-рух онахон истикомат қилади. Яқинда Соҳиба ая ўзининг муборак 104 ёшини қаршилади. Аяни кутлагани фарзанд-лари, неваралари, эвара ва чеварала-ри ҳам бўлишди. Узоқ-яқинлардан ҳам меҳмонлар келишди. Мўъжаз ҳовлиға одам сийма кетди.

Онахоннинг ҳаёт йўли ўзи бир ки-

тоб. Умр йўлдоши Ашрабхўжа Тилла-хўжаев билан бутун умрини қишлоқда ўтказди. 6 нафар фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб воғға етказишди. Фар-зандлари ўзидан қўпайди. 72 ёшида омонатини топширган онанинг хотира-си қарийб ўттиз тўрт йилдири, фар-зандлари қалбига, эъзозиди. Соҳиба ая эса умр йўлдошининг чирғи ҳами-ша ёниқ эканлиғидан хурсанд. Суло-ланнинг ҳар бир аъзоси ардоғида.

СУРАТДА: Соҳиба ая Тиллахўжаева ва ўғли Қудратиллаҳўжа ака.

Муҳаммад АМИН олган сурат. (ЎзА)

Нималар бўлмайди дейсиз

ОҒЗИДАН ТУҒУВЧИ ҚУРБАҚА

Австралида нео-батрахусилус номли фалати бир қурбақа уч-ради. Унинг тана узунлиги 55 милли-метрча келадиган ур-ғочиси гаройиб бир ху-сусиятга эга. У уруғ-ланган тухумларни ютиб, ошқозониди сақлаб юради.

Уларнинг ошқозон-да ҳазм бўлиб кетмас-лигининг сабаби шунки, бу вақтда қурбақа-нинг ошқозон шираси ишлаб чиқарувчи ички секретция безлари ўз фаолиятини батамом тўхтатиб қўяди. Шу сабабли ҳам қурбақа бу даврда мутлақо овқатланмайди.

Тухумдан чиққан ит-балалиқлар шу ерда — она қурбақа ошқозони-да ўсиб, митти қурба-қачаларга айланиша-ди. Бу вақтда онанинг ошқозони ҳаддан зиёд кенгайиб кетиши ту-файли ўпкаси ўз вази-фасини бажара олмай тўхтаб қолади ва қур-бақа фақат териси ор-қали нафас ола бош-лайди.

Бу пайтда қурбақа сув юзига фақат бур-ни ва олдинги оёқла-рини чиқарган ҳолда тикка сузиб юради. Болалари етарли да-ражада ўсганидан кейин эса она қурба-қа уларни оғзидан ту-ғади.

Австралидаги Аде-ланда университети зоология факультети-нинг илмий ходимла-ри табиатдаги бу гоёт ноёб ҳодисани илк бор суратла олишди.

ЁМҒИР ДАРАКЧИСИ

Фарбий Африканинг Того ва Дагомея рес-публикаларида қачон ёмғир бўлишини аниқ айтиб берадиган одамлар бор. Аммо улар фолбинлар эмас. Гап шундаки, ёмғир ёғишидан аввал сув бўғининг босими 30 фойизга ортади, ҳаво босими эса пасаяди. Натижада қизил қон таначалари — эритро-цитлар деформация-лашиб, қон томирлар-да суст ҳаракатлана бошлайди. Бундай пайтда кишининг аъ-зойи бадани увишиб оғрийд.

Бу оғриқ эса ёмғир даракчиси.

ЙЎЛАЙЛАК ТЎЙНИБ ТУШАДИ

Ўсимликнинг ўси-шига суний сугориш-дан кўра, ёмғирнинг нафи кўпроқ эканлиги-ни олимлар аллақа-чонлар кузатишган. Маълум бўлишича, ер-ға тушунга қадар ём-ғир томчиси ҳаводан ўсимлик учун энг ке-ракли бўлган азот, қарбонат ангидрида тўйиниб, қислорода бойиб тушаркан.

Ёмғир томчиси тар-кибида ҳатто водород пероксид борлиги ҳам аниқланди. Унинг су-даги озгина аралаш-маси ҳаводан азот тўплаш имконини бе-ради. Демак, бу билан ўсимликнинг озикла-нишига ижобий таъсир қилади.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

Чирчиқ шаҳридаги «Ра-сул» хусусий фирмаси ту-ғатилди. Даволар эълон бо-силган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

МАКТАБ КЎРГАН ҚОЛАР САВОБГА

Ҳа, шундай деб бежиз нақл этилмайди. Кейинги 2-3 йил ичида Оқдар туманида мактаблар қурилишига жи-дий эътибор берилмоқда. Чунки, республикаимиз му-стақиллигининг еттинчи йилда Улуғбек номли жамоа ҳужалиғи — раиси Аҳмадбек Ҳасанов — Лилл қишлоғи-да 422 уринли, «Оқдар» жамоа ҳужалиғи — раиси Ният Умаров — Бутанаш қишлоғида 320 уринли янги зона-вий мактаблар, узиға хос шаҳарча — «Даҳбад» маркази-да эса 360 уринли ҳунар-техника билим юрти қурилиб, фойдаланишга топширилган эди.

Айтиш жоизки, туманининг «Қаҳрамон» жамоа ҳужали-ғи ҳамма соҳада нуфузли ўрин тутган. Асосан пахта уруғчилиғиға ихтисослашган бу ҳужалиқнинг барча қиш-лоқлари чиройли қишлоқмоқда. Ҳужалиқ бошқа-рувининг раиси Норқўзи Қаршиев салохиятли ва тад-биркор раҳбар сифатида элга танилган. Раисининг қури-лиш бўйича муовини Абдулла Норқўжаевнинг айтиши-ча, қишлоқларни газлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва шунингдек қишлоқ ишлари-ни кенг қамровли йўлга қўйишда ҳужалиқ раҳбари Нор-қўзи Қаршиевнинг ҳизмати бекиёс. «Қаҳрамон» жамоа ҳужалиқининг «Наврўз» ҳудудида бундан бир неча йил олдин зонавий янги мактаб биноси ишга туширилган эди. Эндликда ҳужалиқнинг Гинчок қишлоғида 784 уринли икки қаватли янги мактаб биноси ишга туши-рилди. Бинони қуриб фойдаланишга топширишда ту-маннинг 160-қўйма механизациялашган жамланма жа-моаси алоҳида жонбозлик кўрсатди.

Мактаб ўқувчиси ва мураббийлар жамоаси ҳамда бо-лақонлар мактаб қуриб — саовба ботаётган раис Нор-қўзи Қаршиевдан беҳад миннатдор.

ТАБДУЛЛА



Миллий ҳунармандчилигимиз қаерда ўз эътибо-рини топса — уша ерда қадр-қиммати янада ошади. Паркент туманининг Обжувоз маҳалласида сандиқ-чи Нигмат Зокировлар оиласи бор. Оиланинг фар-зандлари ҳам боқий аънағна, ҳунарнинг этагидан маҳкам тутишга бел боғлашган.

СУРАТДА: Оилавий сандиқчи — Зокировлар. Даврон АХМАД олган сурат.

Норин туманида фар-зандларимизнинг билим-дон, ҳисмонан бақувват бў-либ воғға етишишлари учун ибратли тadbирлар амалга оширилмоқда. Иқ-тидорли ёшларнинг маҳор-атларини аниқлаш учун қурик-танловлар, спарта-киадалар ўтказиш аъна-ға айланиб борапти.

Яқинда туман маданият саройида «Сиз қонунни би-

ласизми?» деган мавзудаги қурик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Проку-ратура, ички ишлар бўлими вакилларидан иборат ҳақам-лар ҳайъати олдиди мактаб-ларда ўтказилган қурик го-либлари узаро бахслашиб, ҳуқуқий билимдонликлари, таркилотчилик қобилиятла-рини бадий тарзда, на-мойиш этидлар.

ИҚТИДОРЛИЛАР БАҲСИ

1-урта мактабнинг «Адо-лат» жамоаси биринчи урин-ни, 23-мактабнинг «Ҳумо» гу-руҳи иккинчи уринини, 11-мактабнинг «Адолат» коман-даси учинчи уринини эгал-лашди. Гوليбларга «Қамо-лот» жамағариси туман бу-

лими, халқ таълими бўлими-нинг фахрий ёрлиқ, пул му-кофоти ҳамда эсдалик совға-лари топширилди.

Шунингдек, тумандаги 39-урта мактабнинг спорт зали-да ўқувчиларнинг 8-спарта-киадаси ўтказилди. Икки кун

давом этган анжуманда ёш спортчилар волейбол, шаш-мат-шашка, стол тенниси бўйича бахслашдилар.

Давра мусобақаларида 34-44, 25-17, 41-27, 24-23-мактабларнинг ўқувчи-лари ўз маҳоратларини на-мойиш этиб, совринли урин-

ни эгаллашга муваффақ бў-лишди. Спортнинг мазкур тур-лари бўйича биринчи урин-ни олган гуруҳлар вилоят спартакиадасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга кирит-дилар.

Давлатимизнинг ёшлар, спортчиларга қўрсатаётган ғамхўрликларни иқтидорли-ларга қурик-танловларда, му-собақаларда фаол иштирок этиб, келажакда ҳар томон-

МАНЗИЛИМИЗ

700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР. Мухаррир ўринбосари — 1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Дехқончилик бўлими — 1-36-54-51. Иқтисодий ҳаёт ва адолат бўлими — 1-36-56-30. Иқтисодиёт, тад-биркорлик ва чорвачилик бўлими — 1-36-54-51. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Суннатилла САЙДАЛИЕВ

Тахрир хайъати: Ислам БОБОЖОНОВ, Расулмат ХУСАНОВ, Махмуд МИРЗАЕВ, Эркўл ЗИКИРИЕВ, Баҳром НОСИРОВ, Олим АТАЕВ, Темур ХОШИМОВ, Мансур СУЛТОНОВ, Жамшид САЙФУДИНОВ, Пўлат КАЗИЕВ, Обиджон ҒОҒУРОВ (масъул ко-тиб), Шермат АЛЛАМОВ.

МУАССИСЛАР — Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиғи вазири-ли, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшма-си, «Ўзмевабазавотузмасаноат» ҳолдинг компанияси, Агротсаноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшма-си Марказий Қўмитаси.

ҲОМИИ: «Ўзқишлоқкоржаппактабматнотузатиш» давлат-ширкат қўмитаси «Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

«Шарқ» нашрий-т-матбас концерни босмаҳонаси. Корхона манзил-и «Буюқ Тўрон» кўчаси, 41-ўй.